

МУНДАРИЖА

Асосий мақола

Россия Сайгоқни сақлаш бўйича Меморандумга қўшилди **1**

Янгиликлар

Нашрлар шарҳи

А.Близнюк Сайгоқлар ва Метон цикли.
Қалмоғистон хабарлари, 29 апрел 2009 й. **8**

Илмий мақолалар

А.В Грачев, Ж.Д Абдикеримов, Ю.А. Грачев Урал-Волга оралиғида сайгоқ популяциясининг ҳолати **11**

А.С Нуриджданов Возрождение яримролидаги сайгоқлар, Ўзбекистон **12**

В.С Гавриленко Аскания-Нова – яримтабiiй сайгоқ питомниги **14**

Б.Бувейбатар, Дж.Янг, А.Файн Шаргин Гоби (Мўғулистон) кўриқхонасида итларнинг мўғул сайгоғига яширин таъсирини ўрганиш **15**

М.Карлстеттер Устюртга ташриф – Ўзбекистонда сайгоқни сақлаб қолиш **16**

Т.Каримова Сайгоқ озикланишини ўрганишнинг ноинвазив усули сифатида фитолит анализдан фойдаланиш **18**

Дж.Янг, С.Стингберг, Л.Амгалан, Б.Бувейбаатар, А.Файн, Дж.Бергер, Б.Лхагвасурен Мўғул сайгоғининг популяцион ҳисобга олиниш усули **19**

Лойиҳалар шарҳи

Лондон Империял Коллежида сайгоқни ўрганиш фаолияти **21**

Сайгоқни сақлаш учун чорвачилик жамоаларини қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳа **21**

Ўзбекистонда сайгоқни сақлаш учун анъанавий хунарларни тиклаш **22**

Янги нашрлар

Бизнинг институционал аъзоларимиз **23**

Эълонлар Сайгоқни сақлаш бўйича ХМ бажарилиши тўғрисида SCA **24**

2008 й. ноябрдан 2009 й. июнгача Сайгоқни сақлаш бўйича ХМ бажарилиши бўйича қисқача ҳисобот **24**

Россия сайгоқни сақлаш бўйича Меморандумга қўшилди

24 июнда Бонн шаҳрида Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Алексей Бажанов сайга антилопасини сақлаш, тиклаш ва ундан барқарор фойдаланишга тегишли ҳамжихатлик Меморандумини имзолади.



Алексей Бажанов ва Роберт Хэпворт сайгоқни сақлаш бўйича ҳамжихатлик тўғрисидаги Меморандумнинг имзоланишидан сўнг. КМВ сурати

Бу ходиса, унинг доирасида Сайгоқ бўйича Меморандум тузилган, ёввойи хайвонларнинг миграция қилувчи турларини сақлаш бўйича Конвенциянинг (КМВ) 30-йиллигига тўғриланган эди. Хужжат томонларнинг сайгоқ ва унинг яшаш жойларининг самарали сақланишини таъминлаш, турни сақлаш, тиклаш ва ундан барқарор

фойдаланиш бўйича чораларни мувофиқлаштириш учун зарур бўлган илмий, техник ва юридик ахборот билан алмашиш соҳасидаги томонлар ҳамкорлигини кўзда тутади.

КМВ ижрочи котиби Роберт Хэпворт «Россия томонидан сайгоқни сақлаш бўйича Меморандумнинг имзоланиши сайгоқ ареалида жойлашган барча асосий мамлакатлар ҳозирги вақтда бу ажойиб антилопаларни сақлаш учун КМВ ҳамда бизнинг ҳамкорлигимизга қўшилганидан далолат беради. Ўтмишда сайгоқлар оғир даврларни бошдан кечирди. Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистон кетидан Россия ҳам келажақда уларнинг барқарор ҳолати учун жавобгарликни ўз зиммасига олди» деди.



Дам олаётган сайгоқ эркаги.
Ротислав Сташ сурати

Давоми 2-бетда

Таҳрир хайъати. Буюк Британия: Э.Дж. Милнер-Гулланд ва Н. Сингх, Империял Колледж Лондон (e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk); Қозоғистон: А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти (terio@nursat.kz); Хитой: А. Кан, WCS Хитой (ygling@online.sh.cn); Мўғулистон: Б. Лхагвасурен, Биология институти (ecolab@magicnet.mn) ва Е. Онон, WWF-Мўғулистон (mppo-species@wwf.mn); Россия: А. Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти (rusnabcom@gmail.com) ва Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикасининг Ёввойи хайвонлар маркази (kalmnsaiga@mail.ru); Туркменистон: Дж. Сапармуратов, Сахро, ўсимлик ва хайвонот олами миллий институти (saparmuradov@mail.ru); Ўзбекистон: Е. Бикова ва А. Есипов, Зоология институти (esipov@sarkor.uz).

Олти тилнинг ҳар қандайда материал юбор0.ишингизни сўраймиз. Илтимос, уларни қуйидаги манзил бўйича esipov@sarkor.uz, saigaconservationalliance@yahoo.co.uk ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади.

Бу нашрни online на www.saiga-conservation.com, <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> и <http://www.wildlifewardens.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf>, шунингдек pdf, ёки сўровнома бўйича қаттиқ нусха кўришида инглиз, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топиш мумкин.

Қуйидагиларнинг молиявий кўмағида чоп этилади:

The Rufford Small Grants Foundation
www.ruffordsmallgrants.org

WORLDWIDE WILDLIFE CONSERVATION NETWORK



Давоми (боши 1-бетда.)

Меморандумни имзолаш маросими ҳодисаси бўйича Алексей Бажанов «Туркменистон, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон билан биргаликда биз давомли миграция вақтида сайгоққа салбий таъсирни камайтириш соҳасида ҳамкорлик қиламиз. Қишлоқ аҳолисининг тушуниш даражасини ошириш бўйича дастур браконьерликка қарши курашишга ёрдам беради, сайгоқнинг кўчишига тўсқинлик қиладиган таъсирни минимумга келтириш учун ҳаракат қилинади» деди.

Ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандум 2006 й. кучга кириди. Меморандум иштирокчи-мамлакатлари ҳар йил

Янгиликлар

Устюрт табиатини сақлаймиз

2009 й. 10 февралда Тошкентда «Устюрт минтақасининг биохилма-хиллигини сақлаш масалаларида ўзаро таъсир механизмлари» мавзусида тўғарак стол бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикасининг Табиат муҳофазаси бўйича Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти ҳамда сайгоқни сақлаш бўйича Альянс ва «Армон» Экологик ҳуқуқ маркази билан биргаликда ташкил қилинди.



Устюртда разведка қилиш учун бурғилаш («Зарубежнефтегаз»), шимолий-ғарбий Ўзбекистон.
А. Есипов сурати

Конвенция котибиятига унинг бажарилиши бўйича батафсил ҳисобот тақдим этади. Сайгоқни сақлаш мавзуси 2009 й. 17-22 августда Москвада ўтадиган биолог-овшуносларнинг XXIX Халқаро конгрессида асосий мавзулардан бири бўлади. Конгресс ташкилотчиси РФ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

Миграция қилувчи турлар бўйича Конвенция Котибияти, <http://www.cms.int/> ва РФ Қишлоқ Хўжалиги Вазирлиги вебсайтларида, <http://www.mcx.ru/news/news/show/3450.78.htm>

Тўғарак стол ишида манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек Устюрт ва бошқ. ишлайдиган нефт-газ ҳамда бошқа компания вакиллари иштирок этди. Тўғарак стол иштирокчилари Устюрт платосининг ноёб табиий муҳитини сақлаб қолиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлларини, шунингдек интенсив техноген таъсир шароитида минтақанинг табиий бойлигини сақлаб қолишнинг мумкин бўлган йўллари бўйича масалаларнинг кенг спектрини муҳокама қилди. Сайгоқ Устюрт фаунасининг асосий намуналаридан бири ва экотизим турғунлигининг индикатори ҳисобланади. «2009-2012 йй. мавсумига Устюрт минтақасининг биохилма-хиллигини сақлаш бўйича биргаликдаги тадбирлар дастури»ни ишлаб чиқиш учун тўғарак стол резолюциясига мувофиқ барча манфаатдор томон вакилларида ишчи гуруҳ тузишга қарор қилинди. Табиат муҳофазаси бўйича Давлат қўмитаси ушбу жараёни мувофиқлаштирувчи томон сифатида белгиланди.

2009 й. 19 мартда ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши бўлиб, унда иштирокчилар таркиби ва Дастур лойиҳасини тайёрлаш муддати тасдиқланди.

Қўшимча маълумот олиш учун Есиповга мурожаат қилинг, esipov@sarkor.uz.

Россияда сайгоққа ов қилиш тақиқланган

«Ҳайвонот олами тўғрисида»ги Федерал қонунга мувофиқ Қалмоғистон Республикаси ҳудудида 2013 й.гача қўш. ҳолда сайгоқни саноат ва спорт учун овлаш тақиқланган. Тегишли қарорни (155-сон 2009 й. 7 май)

ҚР Ҳукуматининг Раиси Владимир Сенглеев имзолади. **Тахририятдан:** Россияда сайгоқ овини тақиқлаш илк бор 2001 йилда киритилган. Кейинчалик у 2004 йилгача узайтирилган.

Сайгоққа - алоҳида эътибор!

19 июнда Грознийда "Северный Кавказ" уюшмасининг экологик муаммоларни ечиш бўйича мувофиқлаштириш гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қалмоғистоннинг Табиий ресурслар, атроф муҳит муҳофазаси ва энергетикани ривожлантириш вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Дмитрий Цугаев қатнашди.

Бошқа масалалар билан бир қаторда йиғилишда сайгоқнинг европа популяциясини сақлаш ва тиклаш муаммоларига алоҳида эътибор берилди.

«Қалмоғистон Хабарлари» материаллари бўйича, <http://www.askregion.ru/page.php?id=132>

Қозоғистонда сайгоқни авиаҳисобга олиш ўтказилди

Қозоғистонда сайгоқни авиаҳисобга олиш 2009 й. 2 дан 24 апрелгача ҚР ТФВ Зоология институти, ҚР ҚХВ Ўрмон ва овчилик хўжалиги қўмитаси, «ПО Охотзоопром», област ҳудудий ўрмон ва овчилик хўжалиги инспекциялари ва Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси ходимлари иштирокида ўтказилди. Сайгоқнинг умумий сони 81,0 минг, жумладан бетпақдала популяцияси – 45.2

минг, устюрт – 9.2 минг, урал – 26.6 минг зотни ташкил қилди. Олдинги йил билан солиштирганда бетпақдала и Урал популяцияларининг сони ва ареали кўпайган, устюрт популяциясининг сони тахминан ўша даражада қолган.

Қўшимча маълумот олиш учун Ю. Грачевга мурожаат қилинг, terio@nursat.kz.

Ўзбекистонда сайгоқни авиа ҳисобга олиш

Ўзбекистон Республикаси Давбионазорат ва Қозоғистон Республикаси ҚХВ Ўрмон ва овчилик хўжалиги кўмитаси ўртасида олдиндан эришилган келишувга мувофиқ сайгоқнинг Устюрт популяциясини бир вақтда авиаҳисобга олиш ўтказилди. Аввал бу амалда қўлланмаган эди: Ўзбекистонда ҳисобга олиш қишда ўтказиларди, Қозоғистонда эса баҳорда. Наतिжада кўшни мамлакатда қанча жонивор борлиги очик савол бўлиб қоларди. Сўнги ҳисобга олишлар уч кун 5-7 апрел давомида АН-2 самолетида ўзбек Устюрти ва Орол олдида, шимолий ва жанубий қисмларда ўтказилди. Сайгоқлар топилмади, бироқ бу айнан салбий натижа ҳам муҳим бўлган ҳол. Ер усти транспортдан фойдаланган ҳолда олинган маълумотлар, бу ҳудудда алоҳида жониворлар ва кичик гуруҳлар мавжудлигини билдиради, бу эса умуман олганда авиаҳисобга олиш натижаларини тасдиқлайди – деярли барча жониворлар бу вақтда Қозоғистон ҳудудиде бўлган.

Қўшимча маълумот олиш учун [А.Есиновга мурожаат қилинг](mailto:A.Esinov@sarkor.uz), esipov@sarkor.uz.



Команда аъзолари наватбадаги учидан сўнг Мўйноқ ш. аэропортида. А. Есинов сурати

Мўғулистонлик ёш олим олий мукофотни олмоқда!

Баярбатар Бувейбатар, Мўғулистонда сайгоқ экологиясини ўрганиш бўйича ихтисослашган ёш олим, “Sidney Byers Scholarship for Wildlife Conservation”дан АКШда таълим олишни тугатиб, фанлар магистри даражасини олиш учун 15 минг доллар миқдориде стипендия олди. «Ёввойи табиатни сақлаш бўйича Халқаро тармоқ» (WCN) томонидан бериладиган стипендия, Африка, Осиё ва Жанубий Американинг перспектив ёш олимларига бериледи. “Биз келажакда ёввойи табиат сақланиши, экологик низоларни ҳал қилиш учун маҳаллий жамоалар билан ишлайдиган, шу ерли одамларга боғлиқ

деб ҳисоблаймиз”, дейди WCN ижрочи директори Чарлз Ноулз. Byers Scholarship стипендияси бутун дунё бўйлаб табиатни асраш соҳасида бўлғуси лидерларни аниқлайди, уларга маблағ сарфлайди ва уларнинг кейинги ўсишига кўмаклашади.

WCN шериги бўлган ҳолда, Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс Byers Scholarship стипендиясини олиш учун талабнома беришга ҳақли, Бувейбатар муваффақияти эса 2007 й. стипендия олган Қалмоғистонлик Надежда Арилова муваффақиятининг мантикий давоми бўлди.

Тарихдан илгариги сайгоқ бош суяги топилди

Астрахан областида тарихдан илгариги сайгоқнинг тошга айланган бош суяги топилди. Астрахан палеонтологларининг айтишича, топилма жуда қизик, дастлабки анализ бош суяк ёши 250-300 минг йил атрофида эканини кўрсатди.

Астрахан бирлашган тарихий-меъморчилик давлат музей-кўриқхонасининг директори Юрий Павленко қазилма ишлари Музей экспедицияси томонидан М. В. Головачев раҳбарлигида Черноярск районининг Черний Яр қ. атрофида ўтказилганлигини маълум қилди. Волга д. жарлигидан тошқин вақтида ўпириб чиқарилган, сўнг кумга кўмилган ва кейинчалик ёмғир ҳамда эриган сувлар билан ювилиб кетган тарихдан илгариги сайгоқнинг бош суяги топилган. Бу яхши сақланган ўнг шох ости қисмга эга бош қосаки эди.

Икки йил аввал шу жойнинг ўзида юқори кўз ёйига эга чап шох ости қисми (эҳтимол ўша суякники) ва пастки жағ парчалари топилган эди. Музей коллекцияларида кўп бўлмаган миқдорда қадимги сайгоқнинг бошқа топилма суяклари ҳам бор.

Қўшимча маълумот олиш учун Музей дирекциясига мурожаат қилинг, musei@astranet.ru.



Қазилма сайгоқ бош суяги. Г. Городничев сурати

"Олтин гагара" Чимкентга учиб келди

Шимкентнинг "Анимастер" студиясида яратилган "Сайга ҳақидаги сага" мултфилми 2-6 июнда Ханти-Мансийскда ўтган "Қутқариш ва сақлаб қолиш" XIII халқаро телевизион фестивалида ғолиб Дипломини олди. Фестивалга 24 мамлакатдан 120 телекомпания журналистларининг 300га яқин ишлари тақдим этилди. Шимкент мултипликаторлари "Болалар ва ўсмирлар учун дастурлар" номинациясида бош совринни олди. Бутун фестивал тарихида бу Қозоғистон вакилларининг биринчи ғалабаси. Ҳозирда "Қутқариш ва сақлаб қолиш" фестивали экология, табиатни сақлаш, атроф муҳитни химоя қилиш муаммоларига бағишланган энг оммабоп ва эътиборли халқаро форумларидан бири деб тан олинган.



«Сайга ҳақидаги сага» режиссери ва «АниМастер» мултипликацион студиясининг доимий раҳбари Махсут Жаримбетов эко-фестивалнинг олтин ҳайкалчаси билан Т. Жаримбетова сурати

Фестивалнинг хурматли меҳмони, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, летчик-космонавт Георгий Гречко сайёрамиз жуда ожиз эканини таъкидлади. Уни асраш зарур, Ер экологиясини сақлаш жуда муҳим. Қозоқ, рус ва инглиз тилларида олинган "Сайга ҳақидаги сага" мултипликацион филми ҳам томошабинларни шунга чакиради. Унинг бош қаҳрамонлари – сайғоқлар тақдири учун қайғурадиган болалар, шох тайёрловчиларни таъкиб қилувчи егер, жазодан қочиб қутула олмайдиган браконьерлар, ва, албатта, бошқатдан инсонга ишонишни ўрганаётган сайғоқлар.

Мултфилмнинг иккинчи қисмини яратишда сценарий очик танловига юборилган Ўзбекистонлик ўқувчиларнинг иншоларидан фойдаланилган. Ўтган йилнинг декабр ойида Алматида ўтган мултфилм презентациясида ва Ханти-Мансийскдаги фестивалда режиссер Махсут Жаримбетовдан "Сайга ҳақидаги сага"нинг учинчи қисми ҳам бўладими? - деб сўрашди. Авторлар ижобий жавоб беришга тайёр, фақат вақт беринлар...

Батафсилроқ

http://ugrainform.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=11961&Itemid=85 да

Тахририятдан: биз чин юракдан дўст ва шерикларимизни бу муҳим ғалаба билан табриқлаймиз ва келажакда ижодий муваффақиятлар тилаймиз.



Қозоғистонда сайғоқчалар ҳақидаги мултфилмли диск чиқарилди

Май ойида "Меломан" тармоғи тарихда илк бор козок тилида маҳаллий мултфилмларнинг лицензион дискини чиқарди. Тўплам "Қозоқ чўлининг эртақлари" деб номланади. Унга Шимкент студияларининг мултфилмлари: "Сайга ҳақидаги сага"нинг иккита қисми, «АниМастер» ва, бонус сифатида, "Алдар Коса ва шайтонлар", "Жебе"

мултфилми кирди.

"SOS - saiga" кампаниясининг ташкилчиси ва сайғоқча ҳақидаги мултфилмнинг бош ҳомийси Seimar Social Fund ташаббускор бўлди. Реализациядан тушган маблағлар хайрли мақсадларга ишлатилади.

«Мўғул сайғоғи» хужжатли филми чиқди

WWF-Мўғулистон Мўғулистон кинематографчилари илмий-экологик иттифоқи билан биргаликда кенг омма учун Мўғул сайғоғи биология ва экологияси ҳақида хужжатли филм чиқарди. Шунингдек, машхур мусиқачи

ва кўшиқчининг катта ёрдами туфайли сайғоқча ҳақида кўшиқ ёзиб олинди. Кино – бу одамларни жалб қилишнинг энг яхши усулларидан бири.

Олтой-Саянск экорегионининг мўғул тилидаги web-портали очилди

WWF-Мўғулистон Олтой-Саянск экорегионининг мўғул қисмида мўғул тилида муваффақият билан web-портал (www.econet.mn) ишга туширилди. Яқин орада инглиз

тилида портал тайёр бўлади. Бу портал Олтой-Саянск экорегионининг рус тилидаги web-сайти ва Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс web-сайти билан ҳам боғлиқ.

Қалмоғистон болалари учун «Сайгоқча ҳақидаги эртақ»



Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази «Лукойл» нефт компанияси кўмағида Қалмоғистон болалар шоири Долган Шанаев томонидан мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун ёзилган "Сайгоқча ҳақидаги эртақ" китобини нашр қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Китоб уч тилда чоп этилади – қалмоқ, рус ва инглиз. Унда фақат сайгоқлар ҳаёти тўғрисида эмас, балки уларнинг кўшнилари – чўлда яшайдиган турна, юмронқозик, куён ва бошқ. ҳақида ҳикоя қилинади. Эртақлар сеҳр, мўъжиза ва саргузаштларга бой, болаларни эзгуликка, атроф муҳитни авайлашга ва ҳақиқий дўстликка ўргатади.

Қўшимча маълумот олиш учун Н.Ариловага мурожаат қилинг, arylova@gmail.com.



Қалмоғистон ўқувчилариникида меҳмонда

2009 й. 28 апрелда Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ҳамда Н. Палмов ном. ҚР Миллий музейи ходимлари Элистанинг 21-ўрта мактабида бўлиб, кадрдон ўлканинг экологик муаммоларига бағишланган тематик дарс ўтказди. Эртасига Қалмоғистон Республикаси Болалар-ўсмирлар туризми станцияси ходимлари билан биргаликда Целинный районининг Булуктин ўрта мактабига саёҳат бўлди. Иккала тадбирни ўтказишда ҳам сайгоқни сақлаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди. Марказ ходимлари болаларга сайгоқ популяциясининг нафақат Шимолий-Ғарбий Каспий олдидаги, балки унинг ареалининг бошқа мамлакатларидаги замонавий аҳволи ҳақида айтиб берди. И. Шпиленокнинг нафақат болаларда,

балки ўқитувчиларда ҳам унутилмас таассурот қолдирган ва кўплаб савол ҳамда қизғин баҳс туғдирган қисқаметражли «Сайгоқ – чўл кармаси» фильми намойиш этилди, ҳар бир ўқувчи совға сифатида сайгоқ ҳақида буклет, китоб ва бошқа кўргазмаларни курашди.

Тадбир якунида ўлкашунослик викторинаси ва кувнок спорт мусобақалари ташкил қилинди. Анъанага кўра учрашувлар биргаликда чой ичиш билан якунланиб, унда ўқувчи ва ўқитувчилар чин дилдан ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирди ва сайгоқни кўриб, унинг сақланиш шароитлари билан танишиш учун «Яшқўл» питомнигига ташриф буюриш истагини изҳор қилди. Қўшимча маълумот олиш учун В.Санжаевга мурожаат қилинг, kalsaiqa@mail.ru.



Спорт эстафетаси
В. Санжаев сурати



21-сонли мактабда тематик дарс.
Н. Арилова сурати

Сайгоқ Қалмоғистон болаларининг ижодий ишларида

2009 й. 26 майда Қалмоғистон Республикасида «Экологик хавфдан ҳимоя қилиш куни» табиатни асраш акцияси доирасида ўқувчилар ўртасидаги «Чўл антилопаси» республика танловига якун ясалди. Ҳар йилги бўлиб қолган танлов, ҚР «Экологик лойиҳалар маркази» ва Қалмоғистон Республикаси ўқувчиларининг Эколог-биологик маркази томонидан ўсиб бораётган авлод онгида табиатни сақлаш учун масъулият ҳиссини уйғотиш, сайгоқнинг аҳамиятини жамият томонидан тан олиншини ошириш, сайгоқнинг йўқолиш муаммосига эътиборни жалб этиш ва уни ҳимоя қилиш бўйича фаол ҳаракат қилиш мақсадида ўтказилди. Сайгоқ ҳақидаги энг яхши иш, шеър, расм, ясалган буюм

Танловда Республиканинг турли бурчақларидан 200дан ортик болалар иштирок этди. Жюрига ғолибларни танлаш осон бўлмади, чунки ҳар бир иш – бу автор қалбининг бир қисми, унинг фикри ва туйғуси. Натижада, авторлари фақатгина ижодий ёндашиш ҳамда матн ва графикани оригинал узатишни намоён қилиб қолмай, балки ўйланишга ва тирик меросимиз – сайгоқ билан фахрланиш туйғусини ҳис қилишга мажбур қилган ишлар ғолиб бўлди.

Қўшимча маълумот олиш учун О. Обгеновага мурожаат қилинг, centercep@yandex.ru.

Ўзбекистон ўқувчилари Сайгоқ кунини нишонлади

Ўқув йили якунланишидан олдинроқ, Устюрт платосида - Ўзбекистонда сайгоқнинг яшаш жойларида жойлашган икки поселканинг ўқитувчи ва ўқувчилари Сайгоқ кунини нишонлади. Сўнгги йилларда Устюртда сайгоққа бағишланган танлов ва намоёнишлар ўтказиш яхши анъанага айланди (SN7га қар.). Сайгоқ куни – бу баҳорда сайгоқчалар дунёга келадиган пайтда ўтказиладиган байрам. Бу фақат одамлар эътиборини сайгоқ муаммосига жалб қилишга эмас, балки Устюрт аҳолисини умумий гоё ва умумий символ остида бирлашишга ундайдиган ҳаёт байрами, янгилаш байрами. Ахир сайгоқлар Ўзбекистоннинг фақат бу қисмида яшамайдику.



Ёш артистлар сайгоқ байрамида.
А. Есипов сурати



Байрам Қорақалпоғистон п. 26-сонли ва Жаслик п. 54-сонли мактабларида ўтди. Унда барча ёшдаги болалар қатнашди. Сахнадан сайгоққа бағишланган кўшиқ ва шеърлар янгради, ўқувчилар ракс ижро этиш ва мини-спектакллар қўйишда ўз талантларини намоёниш этди. Дастурни презентация ҳамда байрам меҳмонлари – Халқаро Фауна ва Флора Фонди (FFI) вакиллари – Пол Хотэм ва Мария Карстеттернинг чиройли ва кизикарли ҳикояси тўлдирди. Байрам якунида муқофотлаш маросими бўлди. Кўшимча маълумот олиш учун А. Есиповга мурожаат қилинг, esipov@sarkor.uz.



TNT Express қалмоқ сайгоғини сақлашга ёрдам берапти

TNT Express Россияда 2003 йилдан бошлаб "Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази" ГУ сайгоқларни сақлаш бўйича дастурига ёрдам кўрсатмоқда. Компания томонидан ўтказилаётган маблағларга ҳайвонлар учун озуқа олинати, эски вольерлар таъмирланиб, янгилари қурилади, питомник ташриф-маркази турли асбоблар билан жиҳозланапти. Бундан ташқари, TNT Express томонидан узоқ муддатли "Сайгоқни қутқарамиз!" мақсадли лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа доирасида

компания ҳар йили ўз мижозларига, ҳар бир TNTга қайтарилган тўлдирилган анкета "ҚР Ёввойи ҳайвонлар маркази" фойдасига 20 евро олиб келиши тўғрисидаги хабар қоғози билан CLM махсус анкетасини юборади. Бу хайрия акцияси иштирокчиларининг сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Батафсилроқ

http://www.tnt.com/express/ru_ru/site/home/about_us/about_tnt_express/social_responsibility/2/1/1.html да



Igves дастур таъминоти ишлаб чиқилди

WWF-Мўғулистон ёввойи ҳайвонларга қарши уюштирилган жиноятларни кузатиш ва мониторинг қилиш учун Igves дастурини ишлаб чиқди. Ҳозирги вақтда WWF-Мўғулистон кўмагида, янги дастур Олтой-Саянск эcoreгиони маъмурияти томонидан қўриқланадиган ҳудудда синаб қўрилмоқда. Мўғулистон ҳуқуқ сақлаш органлари мониторинг ва экологик жиноятларни кузатиш ҳамда самарали

координация ва агентликлар ўртасида ахборот алмашиш мақсадида ахборотни ягона маълумотлар базасига интегралланишининг самарали воситаси сифатида бу дастурга жуда катта қизиқиш билдирди.

Кўшимча маълумот олиш учун Б.Чимеддоржга мурожаат қилинг, chimeddorj@wwf.mn.

Мўғулистондаги табиатни сақлаш инспекцияси учун тренинг

2008 й. декабр ойида сайгоқ ареалида жойлашган барча районларнинг сайгоқни сақлаш бўйича инспекторлари, табиатни сақлаш инспекторлари ва полициячилари учун тренинг ўтказилди. Бу тренинг Ички ишлар Давлат бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилиб, табиатни сақлаш қонунчилигининг бузилиши билан боғлиқ жиноятларни очишга қаратилган эди. Хусусан, иштирокчилар атроф муҳит муҳофазаси масалалари, сақланадиган турлар биологияси, ҳукуматнинг табиатни сақлаш сиёсати, атроф муҳит соҳасидаги қонунчилик, жамият билан алоқа ўрнатиш масалалари, усул ва жиҳозлардан ўзини ҳимоя қилиш учун фойдаланиш, шунингдек қўриқланадиган ҳудудларни бошқариш ва мониторинг олиб бориш усуллари билан танишди.

Қўшимча маълумот олиш учун *Б.Чимеддоржга* мурожаат қилинг, chimeddorj@wwf.mn.



Сайгоқни сақлаш бўйича инспекторлар учун тренинг.
Б. Чимеддорж сурати

Сайгоқ браконьерлиги факти аниқланди



Браконьерликдан далолат.
Г. Олонбатар сурати

Браконьерликка қарши Ирвес-3 гуруҳи ва полиция бошқармаси Шаргин Гобида сайгоқ ареалининг шимолий қисмида 13 сайгоқ ноқонуний отилишининг икки ҳодисаси бўйича текшириш олиб борди. Браконьерлар жамоат инспекторлари ва браконьерликка қарши гуруҳ аъзолари томонидан қўлга туширилиб, танилди. Жиноят жойи қўриқланадиган ҳудудда жойлашган. WWF-Мўғулистон ва «Аймаг» Экологик Агентлиги ҳуқуқни сақлаш тизими ёввойи ҳайвонларни йўқ қилиш билан боғлиқ жиноятларни эътиборсиз қолдирмаслиги учун бундай ҳолларга жамият эътиборини газета, радио ва телевидение орқали доимий жалб қилади.

Чиқарилган ҳукмга кўра, браконьерлар 50 минг - 55 минг АҚШ доллари миқдорида компенсация тўлаши керак ёки икки йилдан беш йилгача қамоқ жазосига маҳкум қилинади. Бундан ташқари, улар ҳар бир ўлдирилган жонивор учун 50 дан 150 АҚШ долларигача миқдорда жарима тўлаши керак.

Ҳуқуқни сақлаш органлари билан ўзаро фаол ҳаракати туфайли, браконьерликка қарши гуруҳнинг муваффақиятли ишлари натижасидан руҳланган маҳаллий чўпонлар, ёввойи ҳайвонларга қарши жиноятлар ҳақида хабар беришни давом эттирмакда.

Қўшимча маълумот олиш учун *Б.Чимеддоржга* мурожаат қилинг, chimeddorj@wwf.mn.

Сайгоқни ноқонуний овлаш учун зарарни ундириш тўғрисидаги даъво кўриб чиқилди ва қондирилди

Қалмоғистон Республикаси Лаган ва Яшқўл районларининг Прокурорлари ҳайвонларни ноқонуний овлашда айбдор деб топилган шахслардан зарарни ундириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилди. Россия Федерацияси манфаатларини кўзлаб, мурожаат қилган, Яшқўл райони прокурорининг сайгоқларни ноқонуний овлагани учун айбдорлардан 12 минг руб. зарарни ундириш тўғрисидаги даъволари ҳам бошқалар каторида, тўла ҳажмда қондирилди. Ҳаммаси бўлиб 2008 й.

республика прокуратура органлари томонидан судга умумий миқдори 6,5 млн. руб. бўлган атроф муҳитга етказилган зарарни ундириш тўғрисида 45 даъво юборилиб, кўриб чиқилган ва қондирилган.

Батафсипроқ

<http://www.elista.org/elista/poslednie-novosti/respublikanskaya-prokuratura-v-proshlom-godu-napravila-45-iskov-o-vzyiskanii-uscherba-s-brako.html> да.

Қалмоғистонда браконьерлар судланади

2009 й. апрелда Яшкўл райони худудида «ВАЗ 2114» автомашинасини текширишда, ЙПХ ходимлари ўтгизта сайгоқ шохини топди. Хайдовчининг иқроор бўлишича шохларнинг кўп қисми чўлда йиғилган, 10 шох эса ов вақтида олинган. Ҳозирги вақтда ушбу факт бўйича РФ ЖК «ноқонуний ов» моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Батафсилроқ

<http://www.elista.org/elista/poslednie-novosti/v-yashkulskom-rayone-respubliki-zaderzhan-brakoner-perevozhshiy-roga-sa.html>. *да*

Черноземелск райони прокурорининг ўринбосари тўртта сайгоқни отган Комсомолск п. яшовчи шахсларга нисбатан жиноий иш бўйича айблов хулосасини тасдиқлади. Ҳозирги вақтда жиноий иш Черноземелск район судига кўриб чиқиш учун юборилган. Район прокуратураси томонидан 91 200 рубл миқдорида зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси тайёрланган.

Батафсилроқ

<http://www.elista.org/elista/poslednie-novosti/v-chernozemelskom-rayone-kalmyikii-budut-sudit-brako.html>. *да*

Қозоғистонда сайоқларни отган браконьер қўлга туширилган

«Қозоғистон бугун» газетасининг хабарига кўра 2009 й. 5 июнда Қарағанда области Нурунск райони Каракаска қ. атрофида тўртта сайгоқни отган Жана-Арқинск райони Старий Жайрем қ. яшовчи шахс қўлга туширилган. Қўлга тушириш вақтида гумондор рўйхатга олинмаган мотоциклда кочишга уринган. Браконьерда ўзи билан рўйхатга олинган 12-чи калибрли милтик, 11та янги арланган сайгоқ шох ва янги қон изи қолган

дастарра бўлган. Овинспекторлари томонидан ҳудуд текширилганда 4 сайгоқ жасади топилган. Браконьерлик факти бўйича материаллар қўшимча тергов учун юборилган. Давлатга етказилган зарар миқдорини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказилмоқда.

Батафсилроқ <http://news.mail.ru/society/2646672> *да.*

Нашрлар шарҳи

Қалмоғистон хабарлари, 2009 й. 29 апрел, <http://www.elista.org/elista/files/ik/290409/4.pdf>

Сайгоқлар ва Метон цикли

Сайгоқ популяцияси сонининг серпуштлиги, ўлими ва динамикаси ем-ҳашак сифати, миқдори ва топилиши билан белгиланади, барча бу кўрсаткичлар эса об-ҳаво шароитларига боғлиқ. Албатта, агар инсон хўжалик фаолияти ва айниқса браконьерликнинг кучли салбий таъсири бўлмаса

Минимал антропоген оғирликда чўл антилопалари сони об-ҳаво ва озикланиш шароити бўйича қулай ҳамда ноқулай йилларнинг алмашиш тартибига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Сайгоқнинг қалмиқ популяцияси сонининг ўзгариш даври 19 йилни ташкил этади. Бунда учта фаза ажратилади – ҳайвонлар сонининг камайиши, депрессия, ўсиши ва чўккиси. Давомлилиги тўққиз йил бўлган биринчисига беш ноқулай йил тўғри келади. Тўрт йиллик депрессия фазасига – икки йил, соннинг ўсиш фазасига эса (олти йил) – бир ноқулай йил.

Григориан календари бўйича календар йил давомида иқлимий тавсифлар динамикасининг анализи улар ўзаро боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Бундай боғлиқлик ҳисоб 1 сентябрдан бошланган сентябр йилидан фойдаланганда юзага келади. Русда у 1492 дан 1700 йилларгача қўлланган. Илгари у Мўғулистонда ҳам қўлланган. Бундай ҳолда сайгоқ учун ноқулай бўлган кузда, албатта қиш ва баҳор ҳам шундай бўлган (айниқса ялпи қўзилаш даврида). Ноқулай йилда кузда ҳайвонларнинг кўпроқ қисмининг семизлиги ўртадан юқори эмас, баҳорда эса - паст. Агар кейинги йил қулай бўлса, сайгоқнинг семизлиги тикланади, ва урғочилар серпуштлиги ошади.

Тадиқотлар, агар популяция нормал ҳолатда бўлса, ялпи қўзилаш санаси майда Ой фазалари билан белгиланишини кўрсатди. Сайгоқнинг қалмиқ популяцияси сони динамикасининг давомлилиқ даври 19-йиллик календар ой цикли (метон цикли) билан белгиланади. У Қадимги Хитой ва Вавилонда қўлланган, кейинроқ эса эрамингача 432 йилда грек астрономи Метон томонидан яна очилган.

Сайгоқ учун ноқулай йил кузги ўт ўсиши кузатилмаган, эрта совуқ тушиш эҳтимоли бўлган қуруқ куз билан тавсифланади. Қиш совуқроқ: ҳарорат ўртача кўрсаткичлардан паст, қор қатламининг чуқурлиги эса одатда ўртача белгидан юқори. Баҳор бошида, қишда ҳам, яхволик бўлиши мумкин. Озуқа базасининг аҳволи кўрсатилган мавсум учун кўп йиллик ўрта маълумотлардан ёмонроқ. Ялпи қўзилаш даврида ёмғирлар эҳтимоли бор. Қулай йил – барча бу кўрсаткичларнинг акси.

Ҳайвонлар сонининг ўзгаришидаги 19-йиллик даврийлик сайгоқ бетпақдала популяциясинининг сони ҳамда серпуштлигини текширганимизда аниқланган (Қозоғистон). Бироқ анализ улар бир-бирига нисбатан тўрт йилга сурилганлигини кўрсатди.



Ўтлаб юрган сайгоқлар.
Т. Каримова сурати

Бетпақдала популяцияси сонининг сўнгги чўккиси 1993 йилга тўғри келган бўлса, калмиқ популяциясида у 1997-да бўлган. Бу кўрсатилган популяциялар ареалининг турли иқлимли областларда жойлашганлиги билан боғлиқ.

Энг яқин йилларга тахминларимизни келтирамиз. 2010 й. (2009 й. 1 сентябрдан 2010 й. 31 августгача) - ноқулай, 2011 ва 2012 кулай, 2013 - ноқулай ва 2014-2016 - кулай. Ушбу тахминдан келиб чиққан ҳолда, Қалмоғистон чорвадорлари ушбу йилнинг май ойидан бошлаб озукани жадалроқ тайёрлаши зарур, чунки бу кузда ўт ўсиши кузатилмайди, киш эса совуқ бўлиб, узоқ давом этади.

Агар бу вақтга ҳайвонлар муҳофазаси кучайтирилиб, популяциядаги жинсий етилган эркеклар сони куйиқиш вақтига ҳеч бўлмаганда 10-12% га етса (популяциянинг нормал ҳолатида уларнинг ўртача сони – 18-19%), ҳайвонлар сонининг кескин ўсиши бошланади. Сўнг тўккиз йил давомида, ҳайвонлар ҳаёти учун шароитлар анча ёмонлашадиган, пасайиш фазаси бўлади.

Ушбу прогноз Шимолий-Ғарбий Каспий олди учун, яъни Қалмоғистон ва Россия Федерациясининг бошқа субъектлари яқинидаги районлар учун тўғри.

Анатолий Близнюк

Форум

Сайгоқлар популяциясида цикллар динамикаси маълумотларини баҳолаш

Экологик назарияга мувофиқ табиий шароит цикллари

Ҳайвон популяциялари сонининг цикллари асрлар давомида экологларни жалб қилган. 19-асрда нашр қилинган биринчи мисоллардан бири – бу Хадсон Бей (Hudson Bay company) компаниясининг савдо китобларида қайд қилинган силовсин ва Америка оқ куёни цикли билан боғлиқ. Ўшандан буён кўпроқ қисми арктик, айниқса популяцион цикллиликка мойил, сут эмизувчиларга қаратилган кўплаб тадқиқотлар ўтказилди.

Цикллиликнинг энг муҳим шарти – бу аҳоли зичлиги ўзгаришининг тўхтаб қолишига боғлиқлик. Бу популяциянинг бир йилда ўсиш даражасига хусусан жорий йилдаги популяция катталиги эмас, олдинги йиллардаги популяция катталиги таъсир қилишини билдиради. Бу тўхтаб қолиш популяция катталиги атроф муҳит билан уйғунлигини билдиради. Масалан, сонининг чўккисида, популяция катталиги топиш мумкин бўлган озук ресурсларига нисбатан жуда катта, шунинг учун унинг сони мавжуд озук ресурслари ушлаб туриши мумкин бўлгандан кам миқдоргача кескин пасаяди, сўнг эса янги цикли бошлаб, у яна тез тикланади. Бу ходиса «ортиқча-компенсация» деб номланади. Агар популяциялар мавжуд ресурсларга тез ва аниқ мослашишга қодир бўлса, цикллар бошқа кузатилмайди. Агар популяция ўсиши секинлашган бўлса ҳам, цикллар кузатилмайди, чунки популяция унинг динамикасида ностабилликни юзага келтирмайдиган мувозанат ҳолатига яқин бўлади.

Шотланд каклиги – цикллилиги билан кенг маълум бўлган тур бунга мисол бўлиши мумкин. Назарияларнинг бири бўйича цикллиликни ичак паразити келтириб чиқарган; бу назария дала шароитларида муваффақиятли текширилди. Ёз мавсумида популяцион ўсиш даврида, қушлар паразитлар билан зарарланганлигининг юқори даражасига эга. Бу келадиган қишда нафақат кўп қушларни ўлдиради, балки кейинги баҳорда модалар серпуштлигини пасайтиради. Шундай қилиб, бир ёз мавсуми вақтидаги паразитизм популяция сонининг камайиши ва кейинги ёз мавсумидаги паст серпуштликка олиб келади. Сўнг сони жуда кўпайиб кетиб, жараён яна такрорлангунга қадар қушларнинг соғлом ва муваффақиятли кўпаядиган янги авлоди пайдо бўлади. Бу цикл одатда 4-чи ва 6-чи йиллар орасида юз беради, ва оддий математик моделлар ёрдамида яхши прогноз қилинади.

Ҳақиқий циклларнинг муҳим белгиси уларнинг ички жараён, турнинг популяцион динамикасида юзага келиши ҳисобланади. Улар ўта лимитланган шароитда бўлган сут эмизувчиларда топилиши мумкин. Сайгоқларда цикллар ички жараёнлардан юзага келганлиги эҳтимолдан узоқ,

чунки популяция ўсишининг тезлиги унчалик баланд эмас, ва унга мувофиқ ўта юқори сонлилик оқибати кейинги йилгача секинлашадиган аниқ механизм йўқ – ресурсларнинг ҳар қанча камайиши дарҳол популяция қисқариши кўринишида акс эттирилишини қутиш лозим бўларди. Умуман туёқлиларда, цикллар йўқ, сайгоқлар популяцияси динамикасининг математик моделлари эса циклик хатти ҳаракатнинг ҳеч қандай белгиларини аниқламайди. Циклик динамика борлиги тахмин қилинадиган фақат битта туёқлилар тури мавжуд – бу ареали катта бўлмаган Соэй ороли билан чекланган, сонининг динамикасига эса ичак паразити муҳим таъсир кўрсатадиган ёввойи британия қўйи.

Популяцион флуктуациялар

Албатта, туёқлиларнинг кўп тури, жумладан сайгоқ ҳам, ҳақиқатан сонининг аҳамиятли даражада ўзгаришини кўрсатади. Бу ўзгаришлар реал цикллардан популяциянинг ўзига хос жараёнлари билан эмас, йилдан йилга ўзгарадиган (масалан, об-ҳаво шароитлари ёки озук топиш) ташқи омиллар таъсирида бўлганлиги билан фарқланади. Бу фарқни қайд қилиш муҳим, чунки, экологик жараёнлар асосида ётган фарқлар, даврийлик прогнозидаги фарқларга олиб келади. Цикллар прогноз қилинади, чунки уларга популяция ичидаги жараёнлар таъсир қилади, сонининг ўзгариши эса ташқи омилларга жавоб бўлади, ва шунинг учун улар даврий прогноз қилинадиган ҳисобланмайди, агар бу ташқи омиллар ҳам даврий ҳисобланмаса.

Сайгоқ популяцияси сонининг табиий ўзгаришларига мойил, чунки бу ҳайвонларда об-ҳаво шароити ноқулай (мас., жут вақти) бўлган йилларда ўлимнинг кўплиги кузатилади, ва улар ўта юқори серпуштлиги туфайли ўз сонини тез тиклаб олиши мумкин. Сўнгги икки асрда сайгоқлар ҳам муҳим антропоген ўзгаришлардан азият чекди; 19-чи 20-чи асрлар охиридаги интенсив ов популяцион сонининг кескин камайишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, инсон фаолиятидан юзага келган безовталиқ, уй ҳайвонлари билан яйловлар учун конкуренция, инфраструктура қурилиши ва қишлоқ хўжалиги ҳам популяция сонига таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, ўтган асрда сайгоқ популяциясининг ўсиш суратига таъсир қилган барча омилларни ажратиш қийин. Сайгоқларнинг туғилиш ва ўлишига таъсир қилувчи омилларни ажратиш учун бизга узоқ давр давомида солиштириладиган усуллар ёрдамида тўпланган ишончли маълумотлар зарур.

Афсуски, бундай маълумотлар бизда йўқ; сут эмизувчилар учун деярли катта бўлишига қарамадан атиги 40 йилни камраб оладиган давр учун сайгоқни популяцион ҳисобга олиш маълумотларининг мавжудлигида ҳам.

Сайгоқ популяциясида озуқа сифатининг ўзгариши ҳамда Метон ой цикли билан боғлиқликдан юзага келадиган 19 йил даврли цикл мавжудлиги тахмин қилинади (Близнюк, мазкур сон). Бизда мавжуд бўлган замонавий популяцион маълумотларга бўйича сайгоқларда 19-йиллик ўсиш ва пасайиш даври мавжудми йўқми фикр юритиш қийин, чунки 40 йилда бизда бу давр фақат икки марта такрорланиши мумкин. Маълумотлар етишмаслиги сўнгги йигирма йилда ўта юқори браконьерлик пресси ва популяцион сон камайиши билан тавсифланганлиги, бу эса барча бошқа омилларни тўсиб қўйганлиги факти билан оғирлашади. Бундай вазиятларда сайгоқларга икки ёки уч йилдан ортиқ даврийликка эга ҳар қандай жараёнлар таъсирини таҳлил қилишнинг имкони йўқ невозможно проанализировать влияние на сайгаков любых процессов, которые имеют периодичность более, чем два или три года.

Сайгоқ популяцияси сони ўзгаришининг потенциал механизмлари

Сайгоқ сонининг 19-йиллик ўзгаришини таҳлил қилиш асоси сифатида ўсимлик ўзгаришини юзага келтирувчи Метон ой цикли билан боғлиқ об-ҳаво циклидан фойдаланиш таклиф қилинади. Близнюк бир йил давомида сайгоқчаларнинг туғилган саналари ҳам ой цикллари билан боғлиқ деб тахмин қилади.

Бу гипотезаларни текшириш учун, метеорологик шароит ва ой цикли фазалари орасидаги боғлиқликни аниқлаш учун (ҳам бир йил давомида, ҳам бир неча йил давомида) ва кейинчалик, метеорологик шароит ва сайгоқнинг



Ургочи сайгоқ боласи билан.
И. Шпиленок сурати

популяцион динамикаси орасида боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш учун батафсил статистик анализ ўтказиш зарур бўлади. Сайгоқчаларнинг туғилган санаси баҳорги вегетация чўққиси билан аниқ боғлиқлиги бизга маълум. Буни маълумот етишмаслиги туфайли статистик намойиш этиш қийин бўлса ҳам, ўсимлик сифати ва популяцион ўсиш даражаси орасида боғлиқлик мавжудлигини интуитив кўрсатиш тўғри бўларди. Шундай қилиб, ой цикли билан боғлиқлик батамом намойиш этилмади.

Денгиз организмлари сувнинг кўтарилиш ва қайтиш вақтида, Близнюк баён этганига ўхшаш, ой цикллариининг турли таъсирида бўлиши ҳақида шубҳасиз далиллар мавжуд. Туёқлилар динамикасига шимолий кенгликларда бир қатор йиллар давомида об-ҳавога таъсир қиладиган, бироқ ой цикли билан боғлиқ бўлмаган атмосфера ҳодисаларининг йиғиндиси бўлган Шимолийатлантик оқим



Сайгоқ боласи.
И. Шпиленок сурати

таъсир қилади. Ой цикллари, Серенгетидаги гну антилопаси каби, бошқа турларда синхрон кўпайиш учун сигнал сифатида таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида далиллар мавжуд. Шундай қилиб, сайгоқ популяциясига ой цикллариининг таъсир қилиши мумкинлигини рад этмаслик лозим. Шунга қарамадан, унинг асосида метон цикли ўсимликка ва шу билан сайгоқ сонининг динамикасига таъсир қиладиган асосий механизм, ноаниқ бўлиб қолиб, бу цикл хайвонларга таъсир қилувчи бошқа кўп омиллардан устунлик қилишига ишониб бўлмайди. Метон циклининг бошқа ер ости турларга таъсирини тасдиқловчи нашр қилинган маълумотлар йўқ. Ҳозирги вақтда браконьерлик, Мўғулистондан ташқари, ҳар жойда сайгоқ популяцион динамикасига шубҳасиз таъсир қилади. Биз браконьерлик даражасига таъсирини қила олишимизни ҳисобга олганда, сайгоқ популяциясининг узок муддатли тикланишини таъминлаш учун эътиборимизни айнан шунга тўплашимиз зарур.

Д-р Э.Дж. Милнер-Гулланд,
табиатни сақлаш профессори,
Имперал Колледж, Лондон.

«Сайгоқлар ва метон цикли» - шундай сарлавҳа остида кўп йиллар Каспий олдида сайгоқни ўрганиш билан шуғулланган, биология фанлари номзоди А. Близнюк мақоласи босилди. Сайгоқ ўзининг бутун тарихи давомида ортиғи билан «салбий таъсир» остида бўлиб, шу сабабнинг ўзидан бундай изланишлар учун унча қулай бўлмаган объектлигини таъкидлаш керак.

Мақола авторининг фикрига кўра, сайгоқ сонининг ўзгаришида, биринчи 9 йил давомида унинг пасайиши, 4 йил давомида депрессия, сўнг эса 6 йил давомида соннинг ўсиши кузатиладиган 19-йиллик даврийлик мавжуд. Кейин барчаси такрорланади. Бундай даврийлик гўё сайгоқнинг бетпақдала (Қозоғистон) ва қалмиқ (Россия) популяциялари учун ўрнатилгандек.

Қозоғистонда сайгоқни ҳисобга олиш мунтазам олиб борилади ва бетпақдала популяцияси сони ҳақидаги маълумотлар 1960 дан 2009 йилгача мавжуд. Уларда бирор бир даврийликни кузатиш мумкин эмас; соннинг камайиш ва кўпайишлари турли вақт оралиқлари билан такрорланади, чунки кўплаб сабаблар билан шартланган. Масалан, 1974 дан 1978 йилгача сон жуда кўп овлаш туфайли уч баравар камайган (1200 дан 400 минггача), чунки ҳар йили 320-500 минг сайгоқ овланган, ёки уларнинг сонидан 26-39% (норма 20% бўлганда). Сўнг сони кўпайган, бироқ 1981 й. 70 минг, 1988 й. эса – 270 минг сайгоқ пастереллездан нобуд бўлган.

Айрим йилларда ҳайвонларнинг оқсимдан ялпи нобуд бўлиши кузатилган. Кўп сайгоқлар йўлларда, траншеяларда, каналларда, сим тўсиқларда ва бошқ. нобуд бўлган. Барча бу омиллар (фақат озуқа билан таъминланганлик эмас!) соннинг деярли ўзгаришларига олиб келган. Озуқа топиш қийинлиги туфайли сайгоқлар учун ҳалоқатли бўлган қорли (джут) қишларнинг такрорланувчанлиги ҳам бир хил бўлмаган. Агар ўтган асрнинг 70-чи йилларида тўртта джут бўлган бўлса, 80-чи йилларда – учта, 90-чи йилларда эса – битта.

Турли йилларда давлат овчилигининг интенсивлиги ҳам бир хил бўлмаган. 90-чи йилларда сайгоқ сони динамикасида оммавий браконьерлик белгиловчи омил бўлди, унинг натижасида ҳайвонлар сони ўнлаб баравар камайди. Сўнгги йилларда бетпақдала популяциясининг сони кўпаймоқда ва бунинг сабаби «19-йиллик депрессия фазаси циклининг» тугаши эмас, балки давлат томонидан кўрилган аниқ сақлаш чоралари. Бундай чораларсиз «сайгоқнинг ўсиш фазаси ва сонининг чўққиси» бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ю.А.Грачев, б.ф.н.,

Зоология институти, Қозоғистон

Илмий мақолалар

Урал-Волга оралиғида сайгоқ популяциясининг аҳволи

А.В.Грачев, Ж.Д.Абдикеримов, Ю.А.Грачев


Зоология институти ТФВ ҚР, terio@nursat.kz

Ушбу мақола учун материаллар 2008 й. декабрда сайгоқларнинг куйиқиш даврида, 2009 й. апрелда авиаҳисобга олиш ўтказиш вақтида ва 2009 г. майда сайгоқлар туғилиши даврида тўпланган.

2008 й. декабрда Малий Узен ва Ашчиозек дарёлари оралиғидаги ҳудудда (Аралсор кўлидан шимол-шарққа, N 49°25' E 48°35') сайгоқларнинг деярли йирик (5-6 минг) тўдаси бўлган. Декабрнинг ўртасига қор бўлмади, озуқа топиш осон бўлди, ҳарорат 0 дан минус 6°С гача ўзгарди. Сайгоқлар декабр бошида (куйиқиш олди даври) кўпроқ катта пода ҳамда 100-1500 ва ундан ортиқ зотли тўда бўлиб турган. Куйиқиш даврига ҳос бўлган бўйни тўқ рангли эркалари бўлган бир неча «ҳарам» ҳам учраган. Кейинроқ ҳарамлар сони кўпайиб борган.

Ҳаммаси бўлиб 3 декабрдан 16 декабргача сони 6 тадан 26 (ўртача, 15) жониворгача, шу жумладан ҳар бирида 1 тадан 4 гача эркак бўлган 40 ҳарамли тўда учраган. 24 тўдада 1 тадан, қолганларида – 2-4 тадан эркак бўлган; улар орасида ўтган йилда туғилган эркаклар бўлиб, ёши бўйича каттароғи уларни тез-тез хайдаган. 10 декабрда биз жуфтлашишни кузатдик.

Ҳарамлардан ташқари, сони 50 дан 600 гача сайгоқ бўлган (ўртача 203 зот) яна 30 тўда учраган. 6094 учраган ҳайвонлар орасида 606 эркак бўлган (9,9%). 2009 й. апрелда Зоология институти ва ҚР ҚХВ Ўрмон ва овчилик хўжалиги кўмитасининг бўлинмалари иштирокида сайгоқни авиаҳисобга олиш ўтказилди.



Бу даврда хайвонлар Волга-Урал дарёлари оралигининг шимол-ғарб қисмида бўлинган эди (схемага қар.). Аҳоли зичлиги 1 км² га 2,4 дан 47,5 зотгача ҳамда сони 10,2 минг, 2,9 минг, 1,5 минг ва 11,1 минг бўлган тўртта тўда топилган. Урал популяциясининг умумий сони 26,6 минг зотни (2008 й. – 18,3 минг) ташкил қилди. Соннинг ошиши билан бирга популяция ареали ҳам кенгайяпти, айниқса шимол-шарқ ва шарқ йўналишларда (Урал д.га). Маҳаллий инспекторлар ахборотига кўра, ҳар замонда кичик сайгоқ гуруҳларининг ғарб ва шимолда Россиянинг қўшни областларига ўтиши ҳам кузатилади, бу эса Қозоғистон ва Россия ўртасида сайгоқнинг бу популяциясини сақлаш тўғрисида тезроқ ҳукуматлараро келишув имзолаш заруратини туғдиради.

2009 й. майда қўзилаш бошига сайгоқлар апрелда ҳисобга олиш вақтида турган жойларидан бир мунча шимолга кўчди. Малий Узен д. ва Ашчиозек д. орасида сайгоқларнинг икки тўдаси топилган: Караоба пос.дан ғарбга (N 49°56' E 47°41') ва Караоба пос.дан жанубга (N 49°56' E 47°52'). Биринчиси 100 км² га яқин майдонни



Урал-Волга оралиғи: Жалпақ сорида сайгоқлар ўтиши.
А.В.Грачев сурати

(10x10 км) эгаллаган, бу ерда 2,5 мингга яқин сайгоқ тўпланган, иккинчиси – тахминан 35 км² (7x5 км), бу ерда 1 мингга яқин хайвон бўлган. Қўзилаш жойидаги ер кўпроқ эрман-шўрالي ва бошоқли ўсимликлар ўсадиган текисликлар.

Биринчи янги туғилган сайгоқчалар 4 майда пайдо бўлди, ялпи туғилиш 9-14 майда кузатилган. 27 та учраган болали урғочидан 16 тасида биттадан, 11 тасида – иккитадан бола бўлган. Кейинроқ, сайгоқчалар урғочилар билан бирга бўлганда, ҳаммаси бўлиб турли гуруҳларда



Урал-Волга оралиғи: браконьерлар билан ўлдириб, ташлаб кетилган, шохи арраланган сайгоқ эркағи.
А.В.Грачев сурати

1455 урғочи ва 1615 боласи учраган, яъни 1 урғочига, ўртача, 1,10 бола тўғри келган. Афтидан, урғочиларнинг бир қисми қисир бўлган. Май охиригача хайвонлар қўзилаш жойида турган. Эркақлар эса бу ерда кам учраб, кўпроқ улардан узок жойларда ва бу жойлардан шимолроқда турган. Фақат эркақлардан иборат бўлган 9та тўда учраган – 50, 7, 11, 42, 154, 59, 15, 35 ва 25.

Ўлим сабаби номаълум бўлган 8та ҳалок бўлган урғочи топилган – жасадлар йирткич қушлар билан қаттиқ чўкилган эди. Шунингдек 19та нобуд бўлган сайгоқчалар топилган, бу учратилган умумий соннинг 1,01% ташкил қилади (n=1870). Ўлим сабаблари она ўлими, йирткичлар хужуми ва бошқ. бўлиши мумкин. Бир марта бургутнинг сайгоқчани чангаллаб кетишга беҳуда уриниши кузатилган.

Урал-Волга оралиғида сайгоқ муҳофазасини «ПО Охотзоопром» Ғарбий филиали, Ғарбий-Қозоғистон област инспекцияси ҳамда район инспекторлари амалга оширяпти. Худуд деярли яхши назорат қилинади, шунга қарамасдан, браконьерлик ҳоллари кузатиляпти. Масалан, 2008 й. 13 декабрда ўлдириб, чўлда ташлаб кетилган шохи арраланган эркақ сайгоқни топдик. Браконьерлар автомашиналарининг излари ҳам кўп учраган.

Ушбу тадқиқотлар сайгоқни сақлаш бўйича Альянснинг Кичик грантлар дастури ҳамда Қозоғистоннинг «Сув ресурслари, хайвонот оламини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда 2010 йилгача махсус сақланадиган табиат худудлари тармоқларини ривожлантириш дастури» доирасида ўтказилган.

Сайгоқлар Возрождение яриморлида

А.С.Нуриджанов

ЎзР Давбионазорати, nuridjanov@mail.ru

Возрождение яриморли Орол денгизининг қуриши натижасида пайдо бўлган. Яриморолнинг асосий қисмини Оролнинг ўтмишдаги ороллари – Комсомолский, Возрождение, Константин ва Лазарев ташкил қилди. Улардан энг йириги Возрождение ороли бўлган (ўтмишда Николай I ороли). Орол ўсимлиги кўнғир-бўз тупроқлардаги исирикли (*Peganum harmala*) оқ тупроқли шувок (*Artemisia terrae-albae*) ассоциацияси билан тақдим этилган. Возрождение о. бўйича маълумот камлигига қарамасдан, тарихда сайгоқ ушбу худудда яшаганлиги маълум. Г. И. Ишунин (1987), Л. Бергни (1905), далил қилиб кўрсатган ҳолда, 1897 й. баҳорда Возрождение оролида бир саноатчи шохлари олиниб, жасадлари эса ташлаб юборилган

1500 эркақ сайгоқни ўлдирилганини хабар қилади., 1940-чи йй. ўртасида оролда биологик қурул ишлаб чиқиш бўйича ёпиқ ҳарбий лаборатория ташкил қилинган эди. Бутун ҳарбий ишлаб чиқариш олиб бориш даври давомида орол ташриф буюриш ва ҳар қандай тадқиқот ўтказиш учун ёпиқ зона бўлиб қолган. Амалда бу вақтда орол нафақат ҳарбий сирлар, балки ноёб табиат ҳам сақланган ўзига хос кўриқхонани ифодалаган. 1992 й., СССР тарқалиб кетишидан сўнг дарҳол, лаборатория ёпилган, ва оролга ташриф буюриш мумкин бўлиб қолган.

Бизнинг текширувларимиз 2007 дан 2009 йй. Россиянинг «Петроальянс» компанияси



Ташландиқ шаҳар.
А. Нуриджанов сурати

буйртмаси бўйича ўтказиладиган, экологик аудит дастури доирасида ўтказилган. Биринчи сайгоқлар 2007 й. 29 майда кузатилган (1 эркак ва 4 урғочидан иборат гуруҳ, ҳамда якка эркак). Кейинчалик биз бошқа сайгоқларни ҳам учратдик. Энг йирик тўдада 21та зот бўлиб, унга ҳам катталар, ҳам болалар кирган. Болалар мавжудлиги Возрождение яриморлида тур кўпайишидан далолат беради. Яриморлда кўзилаш, афтидан, материкка қараганда олдинроқ муддатларда, тахминан апрелнинг охирида ўтади. Тахминий ҳисобларга кўра яриморлда 200га яқин сайгоқ яшайди. Туёқлиларнинг кўп қисми асосий оролнинг ғарбий қисмида яшайди. Хавф бўлганда улар Орол денгизининг ўтмишдаги туби ўрнида ҳосил бўлган, шўрхоқ-қумли сахрога қочади.

Иккитаси Ўзбекистон ҳудудида, биттаси – яриморолнинг Қозоғистон қисмида жойлашган қўллар, ҳайвонлар учун сувлоқ бўлиб хизмат қилади. Қўллар сув филтрлати ҳисобига ҳосил бўлган. 2008 й. битта қўл геологлар томонидан техник эҳтиёжлар учун сув олиниши туфайли деярли тўлик қуриди. Сувлоқ излаб сайгоқлар яриморолнинг шимолий қисмига Қозоғистон ҳудудига кўчишга мажбур бўлди.



Сувлоқ жойи.
А. Нуриджанов сурати

Возрождение яриморлида бўри, кўзилаш вақтида эса тулки сайгоқнинг асосий душмани ҳисобланади. Яриморлда доим битта бўрилар жуфтлиги яшайди. Биз ҳайвонларнинг ўзини, уларнинг излари ва организи фаолиятининг излари (нажас, ўлжа қолдиқлари)ни кузатдик. 2008 й. кузда яриморолнинг шимолий қисмида (Возрождение шаҳридан

тахминан 3 км да) бўрилар уяси топилган. Яриморлда иккита Кантубек ва Возрождение қишлоғи бор, ўтмишда уларда олим ва ҳарбийлар яшаган, ҳозирги вақтда иккала шаҳар ҳам бўш.

2007 й. сайгоқлар бутун асосий яриморлда учраган, бироқ 2008 й. геологик қидирув ишлари туфайли (техника ишлаши, портлаш ва ш.к.) ҳайвонлар яриморолнинг одамлар камроқ бўладиган шимолий қисмига кўчди. Кузатишларимизнинг икки йилида ёмон томонга деярли муҳим ўзгаришлар бўлди. Юқорида таъкидланганидек, яриморол узоқ вақт изолят бўлган ва у ерга одам деярли бормаган. Агар 2007 й. биз қўл урилмаган ландшафт ва кўрқмайдиган ҳайвонларни, шу жумладан ўзига бир неча ўн метр масофага йўлатган сайгоқларни ҳам, кузатган бўлсак, бир йилдан кам муддатда, сурат кескин ўзгарди. Нафақат асосий яриморолнинг ўсимлик ва тупроқ қатламини, балки Оролнинг қуриган ўт босган қатламини ҳам бузган қўлаб йўллар пайдо бўлди. Бунинг устига йўллар қурилиши браконьерларнинг кириб келишига ёрдам берди. Ҳайвонларнинг ўтиш жойида биз иккита браконьерлик пистирмасини,



Сайгоққа браконьерлик пистирмаси.
А. Нуриджанов сурати

шунингдек, афтидан, сайгоқлар кетидан қувлаб борган мотоцикл протекторларининг изларини топдик (шўрхоқ ерда излар узоқ вақт давомида сақланади). Браконьерлар, одатда, яқин атрофдаги қишлоқлардан, ва биринчи навбатда Мўйноқдан келади.

Возрождение яриморолнинг сайгоқлари бу Ўзбекистон ҳудудида доим яшайдиган ва кўпаядиган ягона ҳайвонлар гуруҳи. Бошқалардан фарқли равишда, у 2007 йилгача антропоген таъсирга дучор бўлмаган. Орол яриморолга айланиши ва геологлар томонидан йўл ўтказилишидан сўнг, унга ташландиқ шаҳарларни талон-торож қилувчи браконьер ва мародерлар келиши учун йўл очилди.

Шубҳасиз, Возрождение яриморолнинг мўрт экотизимлари муҳофазага муҳтож. Сайгоқдан ташқари бу ерда тўрт йўлли чипор илони, шарқ бўғма илони, узун игнали типратикан, бўри, фламинго, укки, чўл бургути ва шулар каби ҳайвонларнинг қизиқ турлари яшайди. Яриморол табиати қўриқланадиган ҳудуд ташкил қилиш нуктаи назаридан идеал жой ҳисобланади. Уч томондан у сув билан ўралган, ва фақат материк билан бириккан жанубий қисми, ташрифни назорат қилишга муҳтож. Энг яқин муддатда яриморлда республикалараро заказник ташкил қилиш жуда муҳим, чунки йилдан йилга сайгоқларнинг яшаш шароитлари ёмонлашяпти, ва биз бу гуруҳни бадар йўқотишимиз мумкин.

Аскания-Нова – ярим табиий сайгоқ питомниги

В.С.Гавриленко

УФА Ф.Э. Фальц-Фейн номидаги "Аскания-Нова" биосфера кўриқхонаси,
Украина askania-zap@mail.ru; askania-zap@rambler.ru

Сўнгги 100 йилда сайгоқнинг яшаш жойларини тасаввур этиш асосан Каспий олди ва Осиё чўлларига боғланган эди. Қалмиқ чўлларидан гарброкқа жониворлар фақат ялпи миграция даврида кузатилган. Бирок XX асрда, хатто сони энг кўп бўлган даврда ҳам, тур Дон дарёсидан узокроққа кирмаган. XIX асрнинг ўрталаригача у хозирги Украина худудида сўнгги бошпана - Шимолий Причерноморье Днепровско –Молочнянское дарё оралигида яшаган. Бу ерда сайгоқни учраши ҳақида Вольдемар Фальц-Фейн "Askania Nova" китобида ёзади (Falz-Fein, 1930). Унинг катта акаси – хайвонот боғи, дендропарк ва евроосиё чўлларига биринчи чўл кўриқхонасининг асосчиси – Фридрих Эдуардович Фальц-Фейн XIX асрнинг охирида сайгоқларни Қалмоғистондан олиб кирган. Фальц-Фейн хайвонот боғининг хайвонларини боқиш технологиясига асос солган ярим эркинликда боқиш, тур биологиясига жуда яхши мос тушган. XX аср бошининг адабиёти, архив хужжатлари, "Чапли" (Аскания-Нова илгари шундай номланган) Давлат чўл кўриқхонасининг биринчи тўпламларида сайгоқ «хайвонотхонада», бу эса 100 гектарлик вольер бўлган, фақат сақланмай хатто кўпайганлиги кўрсатилган (Завадовский, Фортунатов, 1924; Колодько, Фортунатов, 1928). 1920чи йиллар охирига бориб тур хайвонот боғи коллекциясидан тушиб қолди.



«Большой Чапельский под» қўтонларида сайгоқнинг яшаш шароитлари табиийга максимал яқинлашган.
В. Гавриленко сурати

Охирги ўн йилликлар давомида сайгоқни Аскания-Новага қайтариш ҳаракатлари муваффақиятсиз бўлди. Сайгоқнинг сўнгги ялпи олиб кирилиши 1979 йилда бўлди; бунда Қозоғистонда тутиб олинган 73 зотдан самолётда олиб келишда атиги 37таси омон қолган. Шундай бўлса-да, айнан шу гуруҳ замонавий популяциясининг шаклланишига бош сабаб бўлган. Аскания-Новада сайгоқнинг тикланишига аввалом бор Е. П. Стеклениев ва М. Ю. Треуслар дахлдордир. "Аскания-Нова" Биосфера кўриқхонаси чўллари (11054 га), айниқса "Большой Чапельский под" участкаси тур яшаш учун жуда қулай: текис рельеф, 10 километрга 4-6 м баландик фарқи билан; кўп пичанбоп ўтлар билан бетага-ковили ўсимликлар; табиий шўрроқ тупроқли ва ўтдан бўш участкали пасттекислик тубининг вақти-вақти билан сув бостирадиган қисми. "Большой Чапельский под" 1966 йилда қурилган ва Фальц-Фейннинг "хайвонот боғини" ўз ичига олган тўсиқлар тизимига эга. 18002000 гектардан сайгоқлар фаол фойдаланади ва бу уларнинг фақат кундалик сайрига эмас, хатто чўлга бўлган доимий оғирликни юмшатадиган, локал кўчиб юришларига ҳам етарлидир.

Сайгоқ ҳам чўл, ҳам иқлимлаштирилган турлар тўдасида яшайди. 15 апрелдан "Большой Чапельский под" бизон, Пржевальский оти, туркман кулани, нильгау антилопаси, кафр буйволи, олачипор ва бошқа бугулар бирга яшайдиган Нуҳ кемасига айланади.



Сайгоқни туёқлилар бошқа турлари билан биргаликда яшаши.
В. Гавриленко сурати

Аскания-Новада суткалик ва мавсумий яшаш ритми, бошқа турлар билан ўзаро муносабатини кузатиш осон бўлгани сабабли, сайгоқ бор бошқа худудлар орасида бу жой ярим эркин шароитда феъл-атворга оид таъсирланишни ўрганиш учун энг қулай жойлардан бири бўлиб кўрилади. Бу йўналишдаги илк бор тадқиқотлар Аскания-Новада тур вольерга оид эмас табиийга яқин феъл-атворга эгалигини кўрсатди. (Кокшунова, Гавриленко ва бошқ., 2005). Шу билан бир вақтда, сайгоқлар бу ерда ҳуркмаган, бу уларни соатлаб автомобилда ёки аравада 50-80 м масофада кузатиб боришга имкон беради.

Куйкиш даврида биз классик ҳарам гуруҳлари, доминантни алмашишни кузатамиз. Кўзилаш даврига пода тўхтайти, ургочилар "туғруқ уйларини" шакллантиради. Май ойининг охирига сайгоқларнинг кўп қисми битта подага йиғилади ва иккита очик майдон бўйича кўчади. Ёзнинг ўртасида ва ундан кейинроқ, куйкишгача, пода қайта шаклланиши мумкин.



Янги туғилган сайгоқча
В. Гавриленко сурати

Худуднинг ёпиқлигига қарамай, сайгоқ сони асосан табиий омиллар: иқлим шароитлари, ем-хашак, йирткичлар билан бошқарилади. Сони 120 – 340 зот чегарасида тебранади.

1966 йилдан бошлаб кўриқхона чўлларидида пайдо бўлган бўрилар майдонлар ичидаги сайгоқларга ҳозирча ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Уларнинг пайдо бўлишидан олдин 90чи йилларнинг ўртасида дайди итлар ҳамласи подага жуда катта зарар етказди. Бироқ, аҳоли пунктларига тутаган ҳудудларни назорат қиладиган бўриларнинг доимий ҳозир бўлиши, итларга бу жойлардан узоклашишга йўл кўймапти. Бундай вазият бўриларда овлаш ихтисослиги ўзгармагунча сақланиб қолиши мумкин. Ҳозирча эса улар, асосан, қуён ва кемирувчиларни овлайди, баъзида қўйхоналарга ҳужум қилади (қўйлар камлигидан асосий ўлжаси бўлмаса ҳам).

Сайгоқ сонига тулки катта таъсир кўрсатади. Сайгоқларнинг қўзилаш даври тулки боласини инидан чиқиши билан бир вақтга тўғри келади ва деярли ҳар бир ин ёнида сайгоқчаларнинг кўп сонли жасадларини топамиз. Сайгоқчалар урғочи кетидан эргашмагунча уларга, зиёни тулки етказган зиён билан солиштирса бўладиган, қарға ва балиқчи қушлар ҳужум қилади. Ҳар йили қарғаларнинг 7–9 жуфти сайгоқнинг яшаш жойлари яқинида ин қўяди.

Май ойида бир ойлик қуш болалари жуда кўп озуқа талаб этади. Бизлар онаси янги туғилган сайгоқчадан бир ярим метр нарида иккинчи боласини туғаётган пайтда, унга бараварига олти қарғанинг ҳамласини кузатдик. Бундан олдин қушлар онасига ҳужум қилган ва янги туғилган боласидан чекинтирган. Қурғоқчиликлардан кейин, ўтлар бўйи паст бўлиб сайгоқчаларнинг бекиниши қийин бўлганда, зиён айниқса сезиларли бўлади. Қиш мавсумида холсизланган жониворларни баъзида бургутлар овлайди. Сайгоқ жасадидида оқдум бургутнинг озикланаётганини кузатдик. Бу икки тур биосфера кўриқхонаси ҳудудида мунтазам равишда қишлайди. Юқорида баён этилган материалдан Украина жанубида сайёрамизнинг энг қадимий туёқлиларининг бирини фақат сақлаш учун эмас, балки унинг биологиясини ўрганишда ҳам қўлланилса бўладиган маълум тажриба тўплаган, сайгоқни кўпайтириш бўйича яримтабиий питомник ишлаб тургани келиб чиқади.

Шаргин Гоби (Мўғулистон) кўриқхонасида итларнинг муғул сайгоғига яширин таъсирини ўрганиш

Б.Бувейбатар ¹, К.Янг Дж. ², А.Е.Файн ³

¹Биология институти, Мўғулистон Фанлар Академияси, Улан-Батор, Мўғулистон, buuveibaatar@gmail.com; ²Ёвойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти, Northern Rockies дала базаси, Монтана университети, Миссолина, АКШ; ³Ёвойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти, Улан-Батор, Мўғулистон


Йиртқичлик масалалари ва муғул сайгоғи ўлимнинг бошқа сабабларини тушуниш кенжа турнинг узок муддатли сақланиши учун зарурдир. Уй итлари Шаргин Гобида энг кўп тарқалган этхўр ҳайвонлар бўлганига қарамай, уларнинг сайгоқларга бўлган таъсирининг кўлами маълум эмас. 2008 й. 7 августдан 27 августгача Мўғулистон Фанлар Академияси Ёвойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти билан биргаликда Мўғулистон, Шаргин Гоби кўриқхонасида сайгоқнинг муғул популяциясига ёвойи ва дайди итларнинг потенциал таъсирини ўрганиб чиқди. Бу тадқиқот EDGE Fellows Program ва Лондон зоологик жамияти (Буюк Британия) томонидан молиялаштирилди. Ишнинг асосий мақсади куйидагилардан иборат эди: 1) сайгоқ яшаш жойларида дайди итлар сонини аниқлаш учун маршрутда ҳисобга олишлари; 2) чўпонларнинг итлари борлиги/йўқлиги характерини баҳолаш ҳамда сайгоқ ва итлар орасидаги ўзаро муносабат масаласи бўйича фикрини билиш учун чўпонлардан сўраб маълумот тўплаш.



Сайгоқ боласи. Шаргин Гоби, Мўғулистон.
Б. Бувейбатар сурати

Шаргин Гоби кўриқхонаси чегарасида 14та маршрут солдик. (1 расм). Тадқиқот вақтида биз умумий сони 222 сайгоқдан иборат (подада 1дан 33 зотгача, ўртача $6 \pm 6,8$ зот/подага) бўлган 37та подани ҳисобга олдик. 100та урғочи эркеклар ва 100та урғочи сайгоқчаларнинг сони тегишлича 0,2 ва 0,9ни ташкил этди. Дайди итлар биз томондан белгиланмади, бироқ маршрутларни ўтган сари итлари бор чўпонларни учратдик ($1,1$ зот/подага $\pm 0,7$).

Иккинчи мақсадга эришиш учун 21 киши ўртасида сўроқ ўтказдик (махаллий чўпонлар, сайгоқни кўриқлаётган егерлар ва район маркази инспекторлари). Сўроқ ўтказиш вақтида Шарга кўриқхонасида 4600та бош мол ва 19та ити бор 15 чўпон бор эди. Моллар асосан қўй ва эчкилардан иборат бўлса ҳам, баъзи чўпонлар туя, от ва сизирлар борлиги тўғрисида маълумот бердилар (2600 эчки, 1100 қўй, 750 туя, 120 от ва 30 сизир). Сўроқланганлар куз охирига бориб Шарга кўриқхонаси ва унинг ташқарисида чўпон, мол ва итларнинг сон аҳамиятли кўпайишини белгилади. Сўроқлар биргина одам уй итини сайгоқчага ҳамла қилганининг гувоҳи бўлганини аниқлади.



1 расм. Мўғулистон, Шаргин Гоби кўриқхонасидаги маршрутлар. Қўшимча ғарбий Мўғулистонда Шарга кўриқхонасининг жойлашишини кўрсатади (ҳалқаро чегара кизил ранг билан белгиланган)

Бирок, шу ер одамларининг бир нечтаси баҳорда дайди итлар катта сайгоқларни, жониворлар холсизланиб, оғир кишдан кейин тикланаётганда ўлдиришини маълум қилди. Инспекторлар маълумотига кўра, Шарга, Тугруг, Тонхил ва Дарвини камраб оладиган Гоби-Олтой аймоғининг 4та сомони(райони)да 2300 уй ити мавжуд (1 расм).

Мўғул сайгоғининг ареалида итларнинг кўрсатилган юқори сони потенциал тўқнашув борлигини тахминлайди (йиртқиқлик учун имкониятлар), бироқ тадқиқотларимизни ўтказиш вақтида биз дайди ёки ёввойи итларни белгиламадик. Сайгоқларнинг зичлиги бутун регион бўйича паст бўлгани учун, бундай тўқнашувлар бизнинг сўроқлашимиз натижасида маълум бўлганига нисбатан оддийроқ ходисами йўқми, аниқ эмас. Ареаллари бири-бирига тўғри келадиган ҳудудларда сайгоқ ва итларнинг тарқалиш характерини ўрганиш учун, кейинги тадқиқотларни ўтказиш зарур.



Мугилистон, Шаргин Гоби қўриқхонасидаги дайди ит.
Дж. К. Янг сурати

Устюртга ташриф – Ўзбекистонда сайгоқни сақлаб қолиш

М.Карлстеттер

Фауна ва флора халқаро фонди, Евроосиё дастури, Maria.Karlstetter@fauna-flora.org

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси(Ўзбекистон) пойтахти Нукусга самолётда яқинлашишда кимсасиз бўлиб туюладиган кенг дашту чўлларнинг суғориладиган далаларга ажойиб ўтиши кўзга ташланади. Нукусга яқин Амударё оқиб ўтади, унинг қирғоқлари хали ҳам, тўқайли ўрмонларнинг Марказий Осиёдаги охириги қолдиқлари билан ўралган. ЎзР ФА Зоология институтидан Александр Есипов, Фауна ва Флора Халқаро Фонди (Fauna & Flora International – FFI) Евроосиё дастурининг регионал директори Пол Хотэм ва мен 2004 йилда бошланган лойиҳа ҳудудига йўл оляпмиз. Лойиҳа ЎзР ФА Зоология институтидан Александр, Елена Бикова ва FFI ўртасидаги ҳамкорликда 5 йил давом этяпти; унинг мақсади сайгоқ (*Saiga tatarica tatarica*)ни сақлаш муаммосини тушуниш даражасини ошириш ва Устюртда уни сақлаб қолиш жараёнига маҳаллий аҳолини жалб этишдан иборат. 1991 йилда қўриқланадиган ҳудуд учун 1 миллион гектар ер ажратилиши – турни сақлаш учун Ўзбекистонда бу ҳудуд муҳимлигининг тан олиними бўлди. Бирок, бундан ортиқ иш силжимади.

Жонивор номи билан аталган ва уни қўриқлаши керак бўлган “Сайгачий” заказнигининг на маблағи бор, на ходимлари.

Устюрт платоси, баландлиги 150 метрга етадиган, маҳаллий аҳоли чинк деб ном берган тик камарлар билан кўтарилади. Регионда анъанавий кўчманчи чорвадорлар яшайди. Иттифоқ даврида, Қозоғистонда Бейнеу шаҳригача платони кесиб ўтадиган, темир йўлнинг қурилиши шунингдек газ конларининг қазилиши, 35-40 йилча аввал ишчиларни уй-жой билан таъминлаш учун, посёлкаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Вақт ўтиши билан маҳаллий аҳоли ўтроқ бўлиб анъанавий яшаш тарзидан кечган. Кўпчилиги иттифоққа оид турдаги икки қаватли, қурилган кунидан бери таъмирланмаган, уйлардан иборат бўлган посёлкаларда ишсизлик даражаси жуда баланд. Эски газ қувурлари қурилиш материали сифатида кенг ишлатилади: улар кесилиб бўялади, улар билан мактаб ва бошқа жамоат жойларининг атрофи ўралади.



Устюрт платоси кескин кўтарилади; чинк 150 м баландликка етади. Олдинги планда Қўнғрот-Бейнеу темир йўли платони кесиб ўтиб Қозоғистонга йўл олмоқда.
М. Карлстеттер/FFI сурати

Сафаримиз давомида ҳозирги кундаги вазият ҳақида кўпроқ билиш ва келажакдаги режаларимизни муҳокама қилиш учун, турли инсонлар билан учрашдик. Уларнинг баъзилари илгари браконьерлик ва сайғоқ овининг маҳсулотлари савдосида иштирок этган, баъзилари эса хали ҳам шуғулланмоқда. Сўнгги йилларда Елена ва Александр фаолияти яширин бўлган инсонлар билан ишонч билдирувчи муносабатлар ўрнатиш учун кўп ишладилар. Улар сайғоқ ва унинг силжиши, хатто браконьерлар томонидан овланган жониворлар сони ҳақида муҳим маълумот билан доимий равишда таъминлайдиган, маҳаллий аҳолининг ноформал тармоғини муваффақиятли ташкил этдилар. Тушунарли сабабларга кўра, Елена ва Александрнинг ҳаракатлари баъзи посёлкаларда мақулланилмайди. Шунга қарамай, улар билан бирга ишлаган баъзи инсонлар энди ўзларини собиқ браконьер деб атайдилар ва бу билан ноқонуний фаолиятдан кечганларини кўрсатади.



Браконьерлик ёввойи ҳайвонлар учун халокатли деб топилди ва бу болалар расмларида акс эттирилди (чапда); Сайғоққа бағишланган байрамда ўқувчиларнинг чиқиши (ўнгда).

М. Карлстеттер/FFI сурати.

Ҳабардоликни ошириш ва маҳаллий аҳолини сайғоқни сақлаш бўйича ҳаракатга жалб этиш фақат браконьерлар билан ишлашдан иборат эмас. Бир нечта оила, маҳаллий милиция ва мактаб ўқитувчилари сайғоқ дўстлари сифатида ишга жалб этилди. Улар ишимизни фаол қўллаб-қувватлапти ва имкон бор жойда ёрдам берапти, масалан, Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс ташкил этган экологик мавзуга болалар расми кўрик-танловини ўтказишда (юкорида қаранг). Болалар ва ўқитувчилар якуний томошани ташкиллаштиришда кўп меҳнат қилдилар, томоша вақтида ашула ва рақслар ижро этилди, шеърлар ўқилди, турли экологик, ва айниқса сайғоқ мавзусига кўп постановкалар қўйилди.

Бу фаолият ҳали сайғоққа тўғри ёрдам келтиргани йўқ, бироқ маҳаллий аҳоли билан боғланишимизнинг кучайиши ва сайғоқ ҳимоячилари тармоғининг кенгайиши орқали одамлар сайғоқ тақдири ҳақида кўпроқ ўйлашяпти. Оқибат натижада, сайғоқ муҳофазасида фаол иштирок этадиган, маҳаллий инспекторлар тармоғини яратишга умид қиламиз.

Бу иш “Сайгачий” заказинининг қайта ташкиллаштириш бўйича ҳаракатимизга қўшимча сифатида ва давлат инспекторларини қўллаб-қувватлашга зарурдир.



Браконьерликдан ташқари, кон саноатининг Устюрт платосига бўлган қизиқишининг ўсиши сайғоқ учун қўшимча ҳавф бўлади. Баҳоланиши бўйича Қорақалпоғистонда табиий газ захираси 1,7 триллион кубометрга етади, суюқ углеводородлар эса – 1,7 миллион тоннага. Газпром, дунёда энг йирик нефть ва газ казиб олувчи компания, ҳозирги вақтда лойиҳага 400 миллион доллар маблағ сарфлаб, платода 20та янги скважина бургиламоқда. Кон саноати ва у билан боғлиқ бўлган соҳаларни табиатни муҳофаза қилиш жараёнига жалб этиш мақсадида, Елена ва Александр Тошкентда семинар ўтказишни ташаббусчилари бўлдилар.

Келажакдаги ишимизда асосий эътибор сайғоқ шохи



Кон саноати Устюрт платосининг ўзбек қисмида тез ўсмоқда. Жаслик пос. атрофи.

М. Карлстеттер/FFI сурати

ва гўштини асосий ўтказиш жойи бўлган Қозоғистонга сайгоқ ови маҳсулотининг ноқонуний сотилишига берилади. Қорақалпоқ пос. атроф. чегарадош ҳудуд ва яқин атрофдаги бозорларда ноқонуний савдога қарши регионал кампания ўтказишни режалаштиряпмиз. Божхоначилар учун Ўзбекистон Давлат табиат кўмитаси билан биргаликда ўтказилган тренингдан сўнг маҳаллий бозорларда сотилаётган моллар назорат остига олинади.

Устюртнинг ўзбек қисмида сайгоқни сақлашни Қорақалпоғистондаги бошқа долзарб муаммолар билан рақобатлашмоқда. Ўзбекистоннинг энг ёмон ривожланган региони бўлиб, у Орол фожияси натижасида кўпроқ зарар кўрди ва кўпгина жиддий муаммолар олдида турибди (рамкадаги матнга қар.). Ишсизликнинг, айниқса ёшлар орасида, юқори даражаси, сувнинг танқислиги иктисоднинг турғунлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунгача Устюртда сайгоқни сақлаш учун қилинган ҳаракатлар кичик лойиҳалар билан чегараланган эди. Шунга қарамай, Александр ва Елена FFI ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда шериклик муносабатларини яратиш учун яхши асос солдилар.

Орол денгизи фожияси натижасида Қорақалпоғистон ҳаммадан кўпроқ зарар кўрди. Қишлоқ хўжалиги ерларининг кўп қисми тузланишнинг жуда катта даражасига дучор бўлди. Орол денгизи ҳавзаси ва Амударё дельтасидан химикатлар (ўғит, дефолиант, инсектецидлар)нинг катта концентрациялари 97 % қорақалпоқ аёлларини анемияга олиб келди, бу болалар ва оналар орасида ўлим сонини жиддий равишда кўпайтирди. Қорақалпоғистон аҳолисида саратон ва туғма аномалиялар билан боғлиқ бўлган генетик шикастлар АҚШ фуқароларига нисбатан 3,5 баравар юқори. Жигар саратони билан касалланиш ҳоллари 1980чи йилларда атиги олти йил ичида уч баробар кўпайди, сил касалининг даражаси эса 70 %га ошди, бунинг устига штаммларнинг учдан бир қисмига кўп дорилар таъсир қилмайди. Орол денгизининг сўнги космик суратларини

<http://www.spiegel.de/wissenschaft/weltall/0,1518.grossbild-1530632-626267.00.html> да олишингиз мумкин.

Сайгоқ дашт экотизимларининг асосий тури ва соғлом қўл урилмаган табиат тимсоли сифатида ажралиб турадиган, бутун Устюрт экотизимини сақлаш учун ҳаракатларни жамлаш мақсадида, лойиҳа Қозоғистон томонга кенгайтирилади.

Елена Бикова ва Александр Есиповнинг FFI билан ҳамкорликдаги Устюрт платосининг ўзбек қисмида сайгоқ популяциясини сақлаш бўйича ишлари The British American Tobacco Biodiversity Partnership, The Disney Wildlife Conservation Fund ва The Alexander Marsh Christian Award for Conservation Leadership ёрдами туфайли амалга оширилди.

Сайгоқ озикланишини ўрганишнинг ноинвазив усули сифатида фитолит анализдан фойдаланиш.

Ю. Каримова

РФА, Экология ва эволюция муаммолари институти, Москва, tayur@orc.ru

Ҳозирги вақтда “Чёрные земли” регионида сайгоқ доимий яшайдиган ҳудудда иқлим куруклигининг пасайиши ва чорва мол сонининг камайиши ҳамда яйловга бўлган оғирликнинг камайиши каби антропоген омиллар таъсирида ўсимлик қопламанинг ўзгариши белгиланган. (Неронов, 1998; Золотокрилин, Виноградова, 2007). Бунинг натижасида 1990чи йилларнинг бошида дашт ўсимликларини табиий фаол тиклаш механизми ҳаракатга келтирилди, бу чўл-дашт ксерофил буталик фитоценозларнинг ковил ассоциациялари доминант бўлган дашт чим-бошоқли фитоценозга алмашилишида намоён бўлди. Ўсимлик қопламидаги бундай ўзгаришлар сайгоқ рационада ўзгаришларга олиб келиши ва тур сонига таъсир кўрсатувчи омилларнинг бири бўлиб қолиши мумкин эди.

Ўтган асрнинг 50чи йилларида озикланишни ўрганиш учун жониворни сўйиш ва катта қориннинг ичини текшириш, тутқинликда экспериментал боқиш ва ҳайвонни бевосита табиатда кузатиш усуллари қўлланилган. Албатта, энг аниқ натижалар ошқозонни текширишда олиниши мумкин, бироқ, ҳозирги вақтда, тур сонининг камлиги сабабли, ботаника ва гўннинг фитолит анализи каби, ноинвазив усуллари қўллаш афзалроқдир. Сўнги йилларда кутикуляр-капрологик анализ ёрдамида сайгоқнинг озикланишини текшириш бўйича бир неча мақолалар пайдо бўлди (Розенфельд, Ларионов, 2006; Ларионов, 2008; Ларионов ва б., 2008). Фитолит анализ шу каби ишларда ҳозирча қўлланилмади.

Ушбу лойиҳанинг вазифаси - сайгоқ ейдиган ўсимликларнинг бутун спектрини аниқлашга имкон берадиган, фитолит анализ ёрдамида сайгоқнинг озикланишини, айниқса жониворлар ҳаётининг муҳим даврида (қўзилашдан олдин ва қўзилаш пайти) ўрганиш.

Лойиҳа бажарилишининг биринчи босқичида бир йил давомида сайгоқнинг озикланиши бўйича барча фойдаланиш мумкин бўлган адабиёт ўрганиб чиқилди. Ўтказилган адабиёт таҳлили Шимолий-Ғарбий Каспий олди ҳудудида сайгоқ юксак ўсимликларнинг 116 турини ейишини кўрсатди. Ошқозон ичи бўйича озикланишнинг текширилиши охириги марта 1995 йилда – ўсимликлар суқцессиясининг тикланиш даврида ўтказилган (Близнюк, Бакташева, 2001). Бу маълумотлар бўйича баҳорда (март-апрель) сайгоқ ўсимликларнинг 64тагача турини ейди, ўтган асрнинг 50чи йилларига нисбатан унча ўзгармаган – бошоқлилар улушига 40дан 70 %гача тўғри келган.



Дала материални йиғиш
Ю. Арилов сурати

Гўнг ботаник спектрининг хусусиятлари фақат фитофагларнинг озуқавий танлаш қобилияти билан аниқланиб қолмай, балки ўсимликларнинг ривожланиш фазаси, уларнинг ҳар хил турларини чайнаш, ҳазм қилиш ва овқатни ҳазм қилиш органларидан ўтишдан сўнг чиришига чидамлилиги билан аниқланади (Киселева, 2006). Амалиёт ботаник анализининг изоҳлаш аниқлиги фитолиит анализи у бир вақтда ўтказилганда бир неча бор ошишини кўрсатди. (Киселева, 2006).

Баҳорда сайгоқ рационада асосий улуш бошоққиларга тегишлигидан келиб чиққан ҳолда, биз асосий эътиборни ўсимликларнинг бу гуруҳига қаратдик.

“Чёрные земли худудиди” асосий участка сифатида сайгоқларнинг ялпи кўзилаш жойи танлаб олинди. Чикариндилардан ажратиб олинган фитолиитларни тупроқ ва ўсимликлар замонавий қопламанинг фитолиитлари билан тўғри солиштириш учун, бу ердаги тупроқ турлари ва ўсимликларнинг эталон коллекцияси териладиган, стандарт геоботаник (10x10 м) майдончалар солинади.

Олинган материалга РФА Экология ва эволюция муаммолари институтининг Тарихий экология лабораториясида ишлов берилди. Лойиҳа Сайгоқни сақлаш бўйича альянснинг Кичик грантлар дастури томонидан молиялаштирилди. Тадқиқотлар натижалари 2009 йилнинг охирига нашр этилади.

Мўғул сайгоғининг популяция ҳисобга олиш усули

Дж.Янг ¹, С.Стингберг ², Л.Амгалан ³, Б.Бувейбатар ³, А.Файн ⁴, Дж.Бергер ⁵, Б.Лхагвасурен ³

¹Ёввойи табиатни ўрганиш институти, young@iws.org; ² Ёввойи табиатни муҳофазақилиш институти (WCS); ³Мўғул истон ФА Биология институти, Улан-Батор, Мўғулистон; ⁴WCS Мўғул дастури, Улан-Батор, Мўғулистон;

⁵ Northern Rockies дала базаси, WCS, Монтана Университети, Миссолина, АҚШ

Популяция сонини баҳолаш тур экологиясини тушиниш учун жуда зарур, бироқ, катта географик худудларда яшайдиган ноёб турлар бўйича маълумот олиш, моддий-техник сарфлар жиҳатидан қийинлашган. Бугун ареали бўйича сайгоқ сонининг кискарилиши, популяция сонинин мунтазам равишда баҳолаш учун стандартлаштирилган ёндашишни қабул қилиш зарурлиги белгиланган, Кўчманчи турлар бўйича конвенция (КМВ) ҳимояси остидаги Ҳамжихатлик Меморандумининг ареал мамлакатлари томонидан имзоланишига сабаб бўлди (КМВ, 2006). 2007 йилда Мўғулистон да ўтказилган иккита семинар, эътибори айнан популяцияни баҳолаш усулига ва тадқиқотлар ўтказиш техникасини ишлаб чиқишга қаратилган кўшимча семинар ўтказиш зарурлигини аниқлади. Бу, мўғул сайгоғини ўрганаётган олимларга энг яхши тарзда тадқиқот усулини тушинишга, танлашга ва ундан фойдаланишига ёрдам берар эди.

2009 й. Феврал ойида Мўғулистон ФА Биология институтидан 4та олим, Trust for Mutual Understanding ёрдамида, сайгоқ популяциясини ҳисобга олиш методологияси бўйича семинарда қатнашиш учун Миссолина(Монтана, АҚШ)га борди. Бундан ташқари, семинар иштирокчиларида Монтана Университети факультетининг вакиллари билан мулоқотда бўлиш, Мўғулистонда атроф муҳитни сақлаш соҳасида тадқиқотлар ўтказаётган, ноҳукумат ташкилотлар аъзолари билан учрашишга ва Йеллоустон миллий боғига ташриф буюришга имконият бўлди.


Семинар мақсади Мўғулистонда сайгоқ сонини баҳолаш учун тадқиқотнинг стандарт усулини белгилашдан иборат эди. Усул қайта тикласа бўладиган, аниқ ва ҳам Муғулистон расмий шахслари, ҳам дунё илмий жамоасининг барчасига маъқул бўлиши керак. Умумий статистика, ёввойи ҳайвонлар мониторинги, трендларни баҳолаш, масофавий танлаб олиш, тадқиқотлар ва дала баённомаларини ташкил этиш бўйича бир қатор маъруза ва амалий машғулотлар шуниингдек, олдинги тадқиқотлар таҳлили ёрдамида сайгоқнинг келажакдаги популяция ҳисобга олиншида қўлланилиши учун, иштирокчилар текширишининг стандарт - айна масофавий танлаб олиш усулини танлаб олдилар (Buckland *et al.*, 2001). Семинарнинг икита асосий натижаси бўлди:

- Масофавий танлаб олиш усули сайгоқнинг мўғул популяциясини ўрганиш учун қабул қилинди ва тадқиқотлар ўтказиш техникаси ишлаб чиқилди (1 расм);
- олдинги тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар қўлланилиши фойдали эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар олдинги юришнинг энг қулай йўлини танлаш учун, олдинги тадқиқотлар натижасида олинган маълумотдан фойдаланишни мақсад қилиб қўйган эди. Бунга иккита вазифани ечиш орқали эришилди. Биз сайгоқларни тақсимланишига таъсир кўрсатадиган потенциал экологик ва антропоген омиллар тўғрисида



Инструктор Саманта Стриндберг семинар иштирокчиларига ёрдам бермокда (ўнгдан чапга): Бергер, Амгаланбатар, Амгалан ва Лхагвасуренга. WCS сурати



1-расм.

Семинар вақтида ишлаб чиқилган, тадқиқотлар ўтказиш схемаси. Мўғулистонда семинар иштирокчилари унинг вариантларини музокара қилишига қараб у, эҳтимол, кенгайди. Схема турли транспорт учун ишлаб чиқилган эди: **А)** ҳаво транспортнинг мавжудлигида, бир неча йилда ўтказса бўладиган (бир мартада 2300 км) авиаҳисобга олишлар; **В)** ҳар йили ўтказса бўладиган (бир мартада 1400 км) автомобилда олиб бориладиган ердаги ҳисобга олишлар; **С)** отда олиб бориладиган ердаги ҳисобга олишлар (бир мартада 140 км). Такрорланадиган трансекталар оқ ранг билан кўрсатилган, тадқиқот участкалари – жигарранг билан. **А** ва **В** схемалари, оч яшил рангга бўялган, сайгоқ ареалининг катта (6900 км² яқин) қисмини қамраб олади; **С** схемаси кичик (1056 км² яқин) қисмини қамраб олади. Тўқ яшил рангга текис бўлмаган ва деярли бориш кийин бўлган жой бўялган. Биринчи тадқиқот вақтида уни ўрганишда от ва туялардан фойдаланилади. Сайгоқ тарқалишининг харитаси (World Wildlife Fund-Mongolia) Мўғулистон ёввойи табиати фонди томонидан ишлаб чиқилди ва унинг ҳаммуаллифи МФА Биология институтидан Амгалан томонидан тақдим этилди.

маълумот олиш учун илгари тўпланган маълумотлардан фойдаланиш усулларини аниқладик, янги усуллар эса бошқа мақсадлар ва техникдан фойдаланишнинг потенциал имкониятлари учун ишлаб чиқилган эди (мас., авиаҳисобга олишлар учун самолётлардан фойдаланиш).

2009 й. сентябрда биз, семинарнинг камида 3та иштирокчиси қатнашадиган, масофавий танлаб олиш усулини қўлланилиши билан, сайгоқнинг мўғул популяциясининг биринчи кенг кўламли тадқиқотини ўтказишни режалаштриганмиз (2 расм).

Бу семинар стандарт тадқиқотлар усулларини аниқлашда ва тадқиқотларнинг янги режаларини ишлаб чиқишда олдинга қадам бўлиб, Мўғулистон ташқарисида сайгоқ

бўйича тадқиқотлар ўтказилишига таъсир кўрсатиши мумкин. Биз ҲМни имзолаган томонларга сайгоқ бўйича доимий тадқиқотлар ўтказиш учун мониторингнинг стандарт усули сифатида масофавий танлаб олиш усулини қабул қилинишини кўриб чиқишни тавсия этамиз (КМВ, 2006). Дастлабки тадқиқотлар Мўғулистонда унинг имкониятларини кўрсатди (Young et al., тақриз қилиш арафсида). Бу усулнинг мослашувчанлиги унинг популяция сонини аниқлаш ҳамда сайгоқ популяцияларига табиий ва антропоген омиллар таъсирини баҳолаш учун қўлланилишини кўзда тутди. Семинар сайгоқ ареали мамлакатлари учун фойдали бўлар эди.

тахририятдан: Масофавий танлаб олиш усули дастлаб 2008 йилда Шимоллий-Фарбий Касний олди сайгоқ популяцияси мисолида ўтказилган эди (www.iccs.org.uk, X.O'Нэйлнинг магистр унвонига диплом ишини қаранг). 2007 йилда Қозоғистонда Биохилма-хиллик бўйича қўмита учун FZS томонидан тайёрланган ҳисоботда авиаҳисобга олишлар ўтказишга асосий талаблар аниқланди. Юқорида муаллифлар томонидан, тўғри келадиган усулларни кенг мунозара қилиш бўйича, тақлиф қилинган гоё КМВ ҳимоясида амалга оширилиши мумкинлигига умид қиламиз.

Лойиҳалар шарҳи

Лондон Имперал Коллежида сайгоқни ўрганиш фаолияти

Ушбу иш эътибори сайгоқнинг тарқалишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш ва бу билимлардан келажакда сайгоқ тарқалишининг ўзгариши, ҳамда унинг силжишининг прогнози учун фойдаланишга қаратилган. Бу иш Қирол жамиятининг Wolfson Research Merit Award дастури ва Leverhulme Trust томонидан молиялаштирилган.

ҚР МОН Зоология институти билан ҳамкорликда бизнинг харакатимиз 2008 й. октябрда Сайгоқни сақлаш бўйича альянс илмий кенгашини ташкиллаштиришни, мониторинг олиб бориш бўйича илғор тажрибалар билан алмашинувни киритди. (SN7 қар.). Шунингдек, сўнгги қирк йилликда сайгоқнинг тарқалиш хусусиятларини аниқлаш учун Зоология институти илмий экспедицияларининг хисоботларида акс эттирилган, сайгоқ бўйича архив маълумотларни солиштирдик.

Маълумотлар Қозоғистонда сайгоқларнинг узок давом этадиган миграцияларининг харакатга келтирувчи механизмини аниқлаш учун фойдаланилди. Ўсимликлар маҳсулдорлиги ва ёғимгарчиликнинг кенглик градиенти, чамаси, сайгоқ миграцияси механизмининг асосида ётибди. Сўнгги 15 йил ичида ёғимгарчилик микдорининг камайишига қарамай, бу, эҳтимол, миграцияга таъсир кўрсатмаган. Бошқа тадқиқот урғочиларнинг кўзилаш жойини танлашига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш билан боғлиқ. Маълум омиллардан фойдаланиб, келажакда кўзилаш жойларини танлаш стратификацияси учун қўлланилса бўладиган, прогноз модели ишлаб чиқилди, бу тегишлича сайгоқ мониторингининг самарадорлигини яхшилайдди. Иқлим омиллари билан бир қаторда

безовталаниш омили ҳам урғочиларнинг кўзилаш жойини танлашига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири бўлади ва унинг таъсири вақт ўтган сари ошиб борапти. Сўнгги ўн йилликларда кўзилаш жойлари шаҳарлардан узоқлашди.

Бу йил Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази билан биргаликда Шимолий–Ғарбий Каспий олди сайгоқ популяциясининг янги тадқиқотини ўтказамиз. Ушбу тадқиқот BRIDGE лойиҳаси бўйича бизнинг аввалги биргаликда ўтказилган ишимизга асосланган (SN7 қар.); унда маҳаллий аҳолининг кузатувлари асосида сайгоқ тарқалишининг ўзгаришини ўрганамиз. Шунингдек сайгоқнинг устюрт популяцияси силжишларини йўлдошли бўйинбоғ ёрдамида аниқроқ кузатиш учун, Ўзбекистон ва Қозоғистон Зоология институтлари, ҳамда Тоттори Университети (Япония) билан ҳамкорликда ишлаймиз.

Бу тадқиқотларни ўтказиш натижасида олинган маълумот, сайгоқлар қаерда ва нима учун у ердалиги тўғрисидаги маълумот самарали мониторинг ва муҳофазанинг асосий компоненти бўлганлиги сабабли, сайгоқларни сақлаш бўйича харакатларни режалаштиришда жуда фойдали бўлади.

Қўшимча маълумот олиш учун, илтимос, Э.Дж. Милнер-Гулланд, e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk ва Навиндер Сингха, n.singh@imperial.ac.uk мурожаат қилинг.

Сайгоқни сақлаш учун чорвачилик жамоаларини қўллаш бўйича лойиҳа

Маҳаллий аҳоли иштирокида кишлоқ жойда баҳолаш (PRA) ва кўпгина учрашувлар ўтказиш натижасида сайгоқнинг яшаш жойларида ресурсларни бошқариш бўйича 4та маҳаллий жамоа ташкил этилди. WWF-Мўғулистон барқарор ердан фойдаланиш, сайгоқни сақлаш ва чўпонларни яшаш шароитларининг яхшиланиши орасида позитив алокани кучайтириш устидан иш олиб бормоқда. Бу муаммони ечиш учун чорвачилик маҳсулотини барқарор ишлаб чиқишлиши орқали чўпонлар даромадини ошириш ва кишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби, чорвачилик билан боғлиқ бўлмаган фаолиятдан даромад олиш учун имкониятларни кенгайтириш мақсадлари қўйилган эди. Учта чўпон жамоасининг аъзолари учун даромаднинг альтернатив манбалари ва жунга ишлов бериш

кўникмаларини ривожлантириш бўйича учта тренинг ўтказилди. Жунга ишлов бериш бўйича кўникма ва билимлар олиб, чўпонлар, мол бирлигига ишлаб чиқаришдан уларнинг даромадини оширадиган, қўшимча маҳсулот олиш имкониятига эга бўладилар. Хоҳловчилар маъмурий марказларда керакли ўқув адабиётларини олиши мумкин. Бундай усул жамоатчиликни табиатни муҳофазасига жалб этиш ва жамоаларнинг имкониятларини ошириш учун энг қулайдир. Чўпонлар ғуруҳларини ташкил қилиш орқали табиатни сақлаш бўйича фаолиятга жамоаларни жалб этиш кенг тарқалмоқда.

Қўшимча маълумот учун, илтимос, chimeddorj@wwf.mn Б. Чимеддоржга мурожаат қилинг.



Тренинг ва маҳсулот ишлаб чиқариш.
Туй сурати.

Ўзбекистонда сайгоқни сақлаш учун анъанавий хунарларни тиклаш



2009 йилда Устюрт ишсиз аёллари учун даромаднинг альтернатив манбаларини ривожлантириш бўйича SCA дастури иккинчи босқичга ўтди.

Лойиҳани The Wild Foundation маблағ билан таъминлайди. 2008 йилда WCN молиявий ёрдамида биз Ўзбекистонда, сайгоқлар яшаш жойларида истикомат қиладиган аёлларни анъанавий хунарларга ўргатиш бўйича биринчи лойиҳани бошладик (SN7ни қар.). асосий гоа аёлларни сайгоқни сақлаш муаммосига жалб этишдан иборат эди. Сир эмас, арзон бўлиши сабабдан, бу маълум нуктаи назардан “камбағаллар учун гўшт”га маҳаллий аҳоли орасида талаб катта. Айнан аёллар бозорда сайгоқ гўштнинг харидори бўлади. Бундан ташқари, аёллар оиланинг маънавий йўлбошчиси бўлиб, кўпчилиги ноқонуний сайгоқ бизнесига жалб этилган эрлар ва чўл антилопасининг келажакдаги омон қолишига жавобгар бўлган болалар фикрига таъсир кўрсатадилар. Бизнинг мақсадимиз фақат аёлларни халқ хунармандчилиги буюмларини тайёрлашга ўргатиш эмас, балки бу буюмларни сотиш учун мустаҳкам алоқа ўрнатишдан ҳам иборат эди. Шундай қилиб, аёллар учун ижодий имкониятларни ривожлантириш ва кўшимча даромад олишга йўл очилади, бу маҳаллий жамоада уларнинг роли



Анъанавий каштачилик кўникмасига ўргатиш.
М. Карстеттер сурати

ва мавқеини оширади. Бундан ташқари лойиҳа аёлларни тажриба ва билимлари билан ўртоқлашиш учун бирлашишини ўзига мақсад қилиб қўяди. “Онермент” (қорақалпоқ тилидан “хунар”) – нодавлат ташкилоти билан яқин ҳамкорликда Қорақалпоқ ва Жаслик – иккита Устюрт посёлқасининг аёллари қорақалпоқ каштачилиги техникасига ўргатилди. Билимлар олиб, тикиш кўникмасига эга бўлиб ва психологик тренинг курсини эшитиб аёллар уйларида бошқа ишсиз аёлларни ўқитадилар. Биринчи кезларда лойиҳа буюмларни тайёрлаш учун барча зарур бўлган материаллар билан таъминлайди. Ҳозир анъанавий орнамент солиб тикилган сумкачалар тайёр бўлди. «Онермент» бошқармасининг раиси – Айзада Нурумбетова биринчи махсулотни сотиш ва кейинги тренинг-курсини ўтказишга тайёргарчилик кўряпти. Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистонда халқ хунармандчилигининг ривожланиши замонавий ҳолатининг таҳлили қилинган ва Устюртда анъанавий хунармандчиликни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган. Кўшимча маълумот олиш учун, илтимос, [Е.Биковага мурожаат қилинг, esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz).



Семинар иштирокчилари.
А.Еситов сурати

Бизнинг институционал аъзоларимиз

“Инсон ва биосфера” (МАБ) ЮНЕСКО дастури бўйича Россия қўмитаси



“Инсон ва биосфера” (МАБ) ҳукуматлараро ва соҳалараро дастур ЮНЕСКО фаолиятида 35 йилдан ортиқ муҳим ўринни эгаллайди. 1972 й. ЮНЕСКО Бош Конференцияси 14та халқаро лойиҳа, шу жумладан арид ва яйлов экотизимлари бўйича алоҳида лойиҳаларни киритган бу дастур бўйича ишларнинг бошланишини маъқуллади. Собиқ СССРда муассасалараро қўмита МАБ Дастурини амалга ошириш бўйича режаларни бажаришга 1976 йилда киришди. Қайта қуриш бошланиши ва СССР инкирозидан аввал ҳар йили илмий конференциялар ва МАБ 14та лойиҳаси бўйича халқаро ишчи кенгашлар ўтказилган, дала тадқиқотларида (1000дан ортиқ лойиҳа) табиий ва ижтимоий фанлар вакиллари бўлган, 4000дан ортиқ мутахассислар қатнашган.

Бир қатор лойиҳалар кичикрок ҳажмда ҳозирги вақтга давом этипти. Тадқиқотларнинг ўзаро мувофиқлаштирилиши барча мамлакатлар – СЭВ аъзолари билан амалга оширилди эди, бу, Европа барча мамлакатлари, АҚШ ва Канада қирадиган ЕвроМАБ доирасида ҳамкорликни кейинги шаклланишига таъсир кўрсатди.

1986 йилдан сўнг ЮНЕСКОда асосий эътибор Биосфера резерватларининг бутунжаҳон тармоғини ривжлантириш ва мустаҳкамлашга қаратила бошлади. Ҳозирги кунга дунёнинг 107та мамлақатида бундай резерватларнинг 553таси яратилди. 1978 йилдан бошлаб ЮНЕСКОда Россия Федерацияси ҳудудида 39та биосфера резервати тасдиқланди, улардан бири (“Чёрные Земли”, Қалмиқ Республикаси) сайгоқ популяциясининг сақланишини таъминлаши керак. Барча россия биосфера резерватлари фауна ва флора кўриқланадиган турларини ўрганиб, батафсил инвентаризациясини ўтказаяпти, инсон фаолияти ва иқлимни глобал ўзгаришининг таъсири оқибатларини баҳолаш учун, экологик мониторингнинг турли усулларидан фойдаланмоқда. ЮНЕСКО ишлари бўйича РФ Комиссияси ва РФ экология ва табиий ресурслар Вазирлиги билан биргаликда МАБ Россия қўмитаси ЮНЕСКО регионал тармоқлари – ЕвроМАБ (РФ


Европа қисмида жойлашган 23та биосфера резервати иштироғида) ва Шарқий-Осиё тармоғи (Сибирь ва Узоқ Шарқда жойлашган 16та резерват иштироғида) доирасида Ҳамкорликни мустаҳкамланишига ёрдам берапти.

У ёки бу лойиҳаларнинг амалга оширилишида МАБ Россия кўмитаси бошқа халқаро дастурлар (ЮНЕП, МГБП, ДИВЕРСИТАС), ташкилотлар (ВВФ, МСОП, МСБН) ва Конвенциялар Котибиатлари (КБР, КМВ, СИТЕС) билан ҳамкорликка катта эътибор қаратади. МАБ Россия кўмитасининг бундай алоқалари туфайли Қалмоғистон Ҳукумати кўмағида 2002 й. Элиста шаҳрида сайгоқни муҳофаза қилиш бўйича биринчи халқаро кенгаш ўтказилди. Унда турли мамлакатлардан 100дан ортиқ етакчи мутахассисларнинг ҳаракати билан, ўтган йиллар ичида, ҳудудида сайгоқ яшайдиган барча мамлакатлар имзолаган расмий ҳужжатлар учун асос бўлиб қолган, Сайгоқ бўйича ҳамжиҳатлик меморандуми ва Ҳаракатлар режасининг лойиҳалари тайёрланган эди.

Сайгоқни сақлаш альянснинг институционал аъзоси сифатида МАБ Россия кўмитаси тўплаган тажрибаси ва имкониятларини фақат Россияда эмас, балки арéalнинг бошқа мамлакатларида сайгоқ муҳофазасини яхшилаш ва унинг экологиясини батафсил ўрганишга сарфламоқчи. Ҳозирги вақтда МАБ Россия кўмитасининг асосий вазифаси - тайёрлов фазанинг тезда яқунланиши ва сайгоқ бўйича Меморандумнинг Россия томонидан қатъий имзоланишига шунингдек, биолог-овшунослар ХХІХ Халқаро конгресси (Москва, 2009 й. август) доирасида сайгоқни сақлашда халқаро ҳамкорлик бўйича Секциянинг муваффақиятли ўтказилишига ёрдам бериш.

таҳририятдан: бу вазифаларнинг биринчиси бажарилди (асосий мақ. қар.).

Янги нашрлар



А.И.Близнюк Қалмиқ популяциясининг сайгоғи. Элиста: ЗАОр НПП «Джангар», 2009. – 544 б.

Бу китоб сайгоқни қалмиқ популяциясининг популяцион биологиясига бағишланган, шунингдек қозоғистон популяциялари бўйича маълумотлар келтирилган. Асосий эътибор ўсишни асосий жараёнларининг яқунланиш ёшини аниқлаш, сайгоқнинг эмбриогенези, арéal ва сонининг ўзгариш динамикаси, яйловга бўлган оғирликка қаратилган. Шунингдек кўзилаш муддатлари Ой фазалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, сайгоқнинг фенотиплари ва 3та экоморфаси ажратилган. Сайгоқ популяциясида 19-йиллик даврийлиги ва уни Ойнинг 19-йиллик календар цикли билан боғлиқлиги аниқланган. Сайгоқ сонининг узоқ муддатли прогнозлаштириш принциплари баён этилган. Китоб зоолог, биолог, эколог ва овшунослар учун мўлжалланган. Кенг илмий жамоа ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларда ҳам кизиқиш уйғотади.

Таҳририятдан : сайгоқ популяциясида даврийликнинг музокараси бўйича мақолани юқорида қаранг.

А.Кюль, А.Мистеруд, Ю.А.Грачев, А.Б.Бекенов, Б.С.Убушаев, А.А.Лушчеккина, Э.Дж.Милнер-Гулланд. Сайгоқ популяцияси маҳсулдорлигининг мониторинги // Animal Conservation, 12, 2009. Б. 355-363.

Самарали муҳофаза популяция ўсишининг тезлигини ўзгартирадиган омилларни жуда яхши тушунишни талаб этади. Ушбу мақолада Еврооёқ дашт ва яримёқларда яшайдиган сайгоқ (*Saiga tatarica tatarica*) урғочиларининг ёши ва серпуштлиги орасидаги боғлиқликни индивидуал ва популяцион даражада таҳлилини келтирамиз. Кўп йиллик маълумотларни ўрганиш йўли билан ёшга оид структура ва эгизаклар туғилиш частотасининг ҳар йилги ўзгаришлари текширилди. Терма катталиги 40 йилдан кўпроқ давр давомида 4та популяциядаги 3308 урғочидан иборат бўлди. Мақолада эгизаклар туғилиши частотасини баҳолашнинг ноинвазив усули келтирилган, ҳам янги туғилган сайгоқчалар сони бўйича, ҳам сайгоқчаларнинг тўдасини ўрганишда трансектада учрайдиган йўлдошлар сони бўйича. Индивидуал даражада эгизаклар туғилишининг энг содда модели 3та ёшга оид классдан иборат (1 ёш, 2 ёш ва 3ёшдан ≥); бироқ, фақат иккита классдан (1 ёш ≥ 2 ёш) фойдаланадиган модел, айниқса мониторинг учун, қулайроқ бўлиб чиқди, чунки бу икки ёшга оид классни дала шароитида бевосита кузатишда шубҳасиз аниқлаш мумкин. Бир яшар урғочилар орасида 77,4% кўпайишда иштирок этган ва 11,7% эгизак туққан, катта ёшдаги гуруҳларнинг урғочилари орасида эса 94,6% кўпайишда иштирок этиб 72,6% эгизак туққан. Популяцион даражада ёшга оид структуранинг ҳар йилги ўзгарувчанлиги (мутаносиблик ≥ 2 йил) эгизаклар сонининг ҳар йилги ўзгарувчанлиги билан муносабатдор бўлган, Шимолий-Ғарбий Каспий олди популяцияси бундан истисно. Бизнинг натижаларимиз браконьерлик сабабли, сайгоқ сонининг ҳозирги кундаги камайиши, популяциянинг ўсишига таъсир этадиган серпуштлик даражасининг аҳамиятли пасайишига олиб келганини кўрсатди. Шунингдек натижалар, йўқ бўлиш арафасида турган бу тур макомини ўрганиш учун популяцияни ҳисобга олишнинг рентабел кўшимча усули сифатида трансектада сайгоқчалар тўдаларини ноинвазив ўрганиш ёрдамида эгизаклар туғилиши частотасининг мониторинги учун имкон кўрсатди. Мониторингнинг бу усулларини туёқчиларнинг бошқа турлари учун ҳам муваффақиятли қўллаш мумкин.

А.Кюль, Н. Балинова, Е.Бикова, А.Еситов, Ю.А.Арилов, А.А.Лушчеккина, Э.Дж.Милнер-Гулланд. Қишлоқ районларида сайгоққа бўлган браконьерликнинг роли: сайгоққа бўлган муносабат, ижтимоий-иктисодий шароитлар ва ахлоқ орасидаги боғланиш // Biological Conservation, 142, 2009. 1442-1449 Б.

Овланадиган турларнинг сақланиши одамларнинг ушбу ресурсдан фойдаланиши сабаларини тушинишни талаб этади. Фойдаланиш ноқонуний бўлганда, фойдаланувчиларни бундай бўлмаган одамлардан ажратиш айниқса қийин. Маҳаллий аҳолининг муносабати турни муваффақиятли сақлаш учун жуда муҳимдир, чунки улар ахлоқини белгилайдиган ижтимоий муҳитда биргаликда ҳаракат қилади. Ушбу мақолада собиқ СССР учта мамлакатининг 6та жамоасида йўқ бўлиш арафасидаги сайгоқ (*Saiga tatarica*)га бўлган браконьерликка таъсир этувчи омилларни ўрганиб чиқдик. Бизлар маҳаллий аҳоли бу турнинг аҳолини яхши билишини ва улар оила аъзолари браконьерликда иштирок этиши этмаслигидан қатъиназар унинг сақланишига ижобий қарашини аниқладик. Браконьерлик – бу одамлар орасида ҳурматга эга бўлмаган машғулот, ва бизнинг таҳлилимиз бу иш билан овчиликка иштиёқи бўлган, камбағал ишсиз одамлар шуғулланишини кўрсатди. Бу барча аҳоли пунктларига тегишлидир. Бироқ бизлар турли регионларда яшайдиган одамларнинг овчилик феъл-атворида муҳим айирмаларни топдик. Улар сайгоқ популяцияси ва миграция модели билан бутунлай боғлиқдир, бу турли ҳайвонларни сақлаш стратегияларидан фойдаланишнинг самарасига таъсирини ўтказди. Жамоа даражасида аралашуш кўпроқ сайгоқлар йил давомида яшайдиган, ва овчилик, катта сарфлар туфайли браконьерлик камчилик томонидан амалга ишириладиган, мавсумий кўчиб юрадиган қозоғистон популяцияларига нисбатан, яшаш учун асосий маблағ бўлган Россия учун кўпроқ тўғри келади. Бу тадқиқот сайгоққа бўлган муносабат, ижтимоий муҳит ва табиатдан фойдаланувчиларнинг ўзини тутиши орасида мураккаб боғлиқ борлигини кўрсатди ва сайгоқ арéalининг турли қисмларида браконьерлик сабаларининг ўхшашлиги ва ўзгалигини аниқлади.

Эълонлар



2009 йилга SCA кичик грантлар дастури

2009 йилга Сайгоқни сақлаш Альянснинг кичик грантлари танловига талабномалар қабул қилиш бошланганини мамнуният билан эълон қиламиз. Илгаригидек Кичик грантлар дастури (WCN) Ёввойи табиатни сақлаш тармоғи томонидан қўллаб-қувватланади.

Берилаётган талабномалар куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Сайгоқни табиий шароитларда (тутқинликда эмас) сақлашга йўналтирилган бўлиши
- Сайгоқ ҳолатига бевосита ва аниқ таъсирга эга бўлиши
- Максимум давомийлиги 1 йилгача бўлиши (2010 й. август ойининг охиригача)
- Бюджети 1 000 ва 2 000 АҚШ доллари орасида бўлиши
- Катта лойиҳанинг кичик компоненти бўлмасдан, мустақил бўлиши
- Сайгоқни сақлаш альянси ҳимоясида бажарилиши ва Уставининг моддалари ва унда кўрсатилган ҳисобот талабларига жавоб бериши керак.

Регистрацион шакл ва талабнома тақдим этиш бўйича қўлланмани SCA вебсайтида: <http://saiga-conservation.com/>, <http://saiga-conservation.com/>, http://saiga-conservation.com/project_detail/items/small-grants-programme-2009.html ёки электрон почта орқали esipov@sarkor.uz ва saigaconservationalliance@yahoo.co.uk га талаб юбориб олишингиз мумкин.

Талабнома тақдим этиш муддати **2009 йил 31 июлгача**. Талабнома солинган файл қилиб, электрон почта орқали SCA Елена Биковага esipov@sarkor.uz юборилади.

SCA 2008 й. ноябрдан 2009 й. июнгача КМВ сайгоқни сақлаш бўйича ҲМнинг бажарилиши тўғрисида

Э.Дж. Милнер-Гулланд томонидан SCA учун тузилган

Ҳисобот даврида сайгоқни сақлаш бўйича яхши натижаларга эришилди. 2009 й. июнда Россия томонидан Ҳамжиҳатлик Меморандими (ҲМ)нинг имзоланиши олдинга муҳим қадам бўлди, бу, ҳозирги вақта сайгоқ ареалининг барча мамлакатлари ҲМ аъзолари бўлганлигини аниқлатади.

Хитой ва ареалининг барча мамлакатларида тарғибот ва маориф соҳасида кўпгина тадбирлар ўтказилди, СМРП (5 йил давомида популяция сонини стабиллаштириш ва қўпайтириш) асосий вазифасининг бажарилишини баҳолаш учун, жиддий молиялаштирилиши талаб этилса ҳам, сайгоқ мониторинги бўйича лойиҳаларнинг бажарилишида маълум ютуқлар бор. Молиялаштиришнинг йўқлиги, СМРП талаб этадиган ноаниқлик даражасини ҳисобга оладиган, стандартлаштирилган усулларни қўллаш билан ареал мамлакатларида мунтазам популяция ҳисобга олишларни ўтказмаслигимизнинг сабаби. Бироқ, устурт популяциясидан ташқари барча популяцияларнинг ҳолати ижобийлигининг белгиси бор, шунинг учун устурт популяцияси узоқ муддатли табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатлар учун устувор бўлиб аниқланиши керак.

Қозғоғистонда яхши ўрганилмаган урал популяциясини ўрганишнинг, популяция яхши аҳволда эканлигини тасдиқлайдиган, муҳим натижалари нашр қилинди. Ареалнинг барча мамлакатларида браконьерлик билан кураш кучайиб борапти, сўнги бир неча ой ичида муваффақиятли қўлга олиш ва судда браконьерлар иши кўрилиши бунга далolat беради. Келажакда бу тўхтатувчи таъсир кўрсатади деб умид қиламиз. Туркменистонда ҳисобот даврида ўтказилган тадбирлар тўғрисида маълумотга эга эмасмиз.

ҲМ кучга киришидан бошлаб 2,5 йил ичида фақат учта А1 категориядаги (муддатли ва юқори устувор) ҳаракат бажарилмаган:

Ҳаракат 3.1. Экспортга мораторийни ечиш учун Россия ва Қозғоғистонда СИТЕС тасияларини бажарилишига ёрдам бериш.

Ҳаракат 9.1/14.2. Муғилистонда сайгоқни тутқинликда қўпайтириш марказини ташкил этиш.

Действие 11.2. Маҳаллий аҳолининг хабардорлигини ошириш ва урал популяциясининг сайгоқларини сақлаш бўйича тадбирларда унинг иштироғини кенгайтириш.

Хитой ва сайгоқ ареали мамлакатлари томонидан ҳалқаро савдо соҳасида бир мунча ҳаракатлар амалга оширилди, бу йўналиш ҲМ тарафларининг кейинги учрашувига (умид қиламиз, у 2010 йилда бўлиб ўтади) устувор деб аниқланишга лойик. Муғилистонда сайгоқни сақлаш мақсадида, тутқинликда қўпайтириш биринчи даражалик зарурият эмаслигига қарор қилинди, шунинг учун кейинги учрашувда СМРПда устуворлик даражаси кўриб чиқилиши (ва пасайтирилиши) керак. Урал популяцияси ҳолатини ўрганиш жуда фойдали қадам бўлди, эндиликда маҳаллий аҳолининг жалб этилиши билан бу популяция учун табиатни муҳофаза қилиш тадбирларни ўтказиш биринчи ўринда бўлиши керак.

Ушбу ҳисобот, сайгоқни сақлаш бўйича СМРП бажарилишининг мониторинги бўйича КМВ билан икки йиллик контракт (2009 й. июнгача имзоланган эди) доирасида SCA тузган ҳисоботларнинг охиригиси бўлади. Бизга бу давр ичида ўтказилган тадбирлар тўғрисида ҳисоботлар юборган барчага миннатдорчилигимизни билдираемиз. Тўлиқ ҳисоботни SCA web-сайтида КМВ ҳисоботлари бор бетда (<http://www.saiga-conservation.com/mou.html>), аввалги ҳисоботлар билан бир қаторда топишингиз мумкин.

Миннатдорчиликлар

Сайгоқни сақлаш бўйича альянс сўнги 6 ой ичида фаолиятимизни қўллаб қувватлаган куйидаги инсонларга чин дилдан миннатдорчиликларини билдиради: Мэги Брайнт, Винс Мартин ва Ёввойи Табиат Фондига, Джой ва Тейлор Конвейларга, Кеннон ва Боб Хадсонларга, Линда Табор-Бекга, Джефф Флокенга, Марджор Паркерга, Энн Мэри Бургуин ва Бред Робертсларга, Мишель Хакетта, Глория ва Кент Маршалларга, Ким ва Кевин Никейнларга, Мишель Линвилла, Марк Герардга, Присцилла Петтит ва East Bay Zoological Society, Хеллен Галанд ва Дженни Беттенсет (Spitalfields City Farm), Софи Арловга, Си Ар Хардманга, Алекс Вилсонга, Салли МакМуллен, Даниэл Мулвейга, Христиан Вензелга (www.saiga.de), Стэси Айверсон ва Ив Шафферга (WCN), Пол Хотэм ва Мария Карлстеттерга (FFI), шунингдек, сайгоқни сақлашга кучи борича ёрдам берган барчага. Фото-галереямизга сайгоқ суратларини тақдим этган – суратчи-анималист Игорь Шпиленок ва сайгоқ расмининг асл нусҳасини совға қилган рассом-анималист Рори МакКаннга ҳам миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз. Шунингдек ушбу соннинг чиқишига ёрдам берган барча ташкилотларга – Rufford Foundation, WCN ва WWF-Монголия.